ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

30 июнь, сешанба 1998 йил №76 (578)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2 АЁЛ ИШБИЛАРМОН БЎЛГАНДА...

3 СУД ЖАРАЁНИ

4 АМЕРИКАНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ўртасида тузилган «Маданият ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги битимга мувофиқ мамлакатимизда шу йил 29 июндан 5 июлгача Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилади.

Мазкур тадбир дастурига мувофиқ 29 июнь куни эрталаб Тошкент аэропортида диёримизга ташриф буюрган қардош республика вакилларини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Самолёт пиллапоясидан тушиб келган меҳмонларга анъанавий карнай-сурнай садолари остида анвойи гуллар тақдим этилди.

Тожикистон республикаси маданият вазири Бобохон Махматов бошчилигида келган меҳмонлар орасида давлат «Лола», «Зебо», «Жаҳонаро» ансамбллари, Жўрабек Муродов, Давлатмурод Холов, Одина Ҳошимова сингари таниқли хонандалар, Ҳабибулло Абдураззоқов, Хайри Ватанова, Парвина Шукуруллаева каби иқтидорли шоир ва ёзувчилар, шунингдек, бир қанча таниқли кино арбоблари, рассомлар бор.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, маданият ва санъат намоёндалари, жамоатчилик вакиллари кутиб олди.

Муваффақиятларингиз бизни лол қолдирди

ЎзА мухбирлари мамлакатимизда Тожикистон Республикаси кунлари иштирокчилари айримлари билан учрашиб, илк таассуротлари билан қизиқди

Сайрам Исаева,
Тожикистон халқ артисти:

- Ўзбеклар диёрига ҳар гал ташриф буюраётганимда қалбимни ўзгача бир ҳис қамраб олади. Икки мамлакат ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, ўзаро алоқаларимизни янги мазмун билан бойитишга хизмат қиладиган бу галги тадбир шу маънода нақадар катта аҳамиятга эга эканини дилдан ҳис этиб турибман. Тожикистондаги нотинчликлар ҳаммага аён. Айни шу дамда мамлакатингизда республикамиз кунларининг ўтказилиши тожикистонлик биродарларни нафақат иқтисодий, балки маданий, маънавий томондан ҳам қўллаб-қувватлаётганингиздан дарак беради.

Биз Ўзбекистонга келишга пухта тайёргарлик кўрдик. Мен меҳмонга эмас, ўз уйимга келаётгандек қувончдаман. Бу юрт мен учун қадрдон бўлиб қолган, санъат бўйича олий таълимни шу ерда олганман. Кинодаги биринчи образим ҳам «Ўзбекфильм»да яратилган. «Сурайё» фильмида ўзбек киносининг онахонларидан бири, Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова билан ҳамкорлик қилиш насиб этган. Шуҳрат Аббосов, Комил Ёрматов, Али Ҳамроев, Латиф Файзиев, Элёр Эшмуҳамедов каби таниқли ўзбек режиссёрлари яратган кўплаб фильмларда турли ролларни ижро этдим. Айниқса, таниқли санъаткор Мэлс Абзалов режиссёрлигида ишлаш менга хузур бағишлайди. Ижодкорнинг «Майсаранинг иши» картинасидаги Майсара образи менга катта шуҳрат келтирди. Яқинда ана шу кинорежиссёр билан ишлаш яна насиб этди. Абдулла Қодирий асари асосида суратга олинган «Ўтган кунлар» фильмида Ўзбекойим сиймосини яратишни менга ишониб топширишди.

Тақдиримдан жуда мамнунман. Буни мен нафақат санъаткорлар, балки ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик рамзи деб ҳам биламан.

Жўрабек Муродов,
Тожикистон халқ артисти

- Ўзбекистонни иккинчи ватанимдай кўраман. Чунки, 35 йиллик ижодий ҳаётим юртингиз билан чамбарчас боғланган, десам хато бўлмайди. Ўзбек санъатининг Комилжон Отаниёзов, Ҳалима Носирова, Тамарахоним каби дарғалари тожик санъатига ҳам катта ҳисса қўшган. Биз ҳам уларни ўзимизнинг устозимиз деб биламиз.

Хабарингиз бор, тожик халқи учун мустақилликнинг дастлабки йиллари жуда қийин кечди. Шу боис ҳам тожиклар тинчлик ва барқарорликнинг қадр-қимматини дил-дилдан ҳис этади. Беқарорлик шароитида илм-фан ҳам, маданият ҳам, иқтисодиёт ҳам ривожланмаслигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Биз Ўзбекистондаги иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни ўзимизда кечаётган ўзгаришлар билан таққослаб эканмиз, тинчлик, барқарорлик нақадар қимматли неъмат эканига яна бир бор амин бўламиз. Шундай оғир кунларда Президент Ислом Каримовнинг Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида кўрсатаётган саъй- ҳаракатини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Мен мустақиллигингизнинг дастлабки йилларида ҳам Тошкентда бўлган эдим. Тошкент ўша вақтда ҳам Марказий Осиёда энг йирик ва гўзал шаҳар эди. Бироқ, ўтган шу қисқа даврда барпо этилган санъат кошоналари, меҳмонхоналар, коммуникация тизимлари, истироҳат боғлари ва бошқа иншоотлар шаҳрингизни янада салобатли, янада мафтункор этибди. Бу ўзгаришлар давлатингиз иқтисодий юксалаётганидан далолатдир. Бу эса қўшни халқ сифатида бизни ҳам қувонтиради. Чунки, Ўзбекистон қанчалик иқтисодий муваффақиятларни қўлга киритса, бу ютуқ минтақамиздаги қўшни давлатларга, жумладан, Тожикистонга ҳам шунчалик ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Ўзбекистонда бошланган Тожикистон кунлари икки халқ учун ҳақикий маънода катта байрамдир.

Аслиддин Низомов,
санъатшунос:

- Мен умримнинг энг бахтли даврларини Ўзбекистон тупроғида ўтказганман. Дастлаб Тошкент консерваториясида ўқидим, кейин - аспирантура, докторантурада. Шу тарзда 15 йил Ўзбекистон тузини татидим - яшадим, ўқидим, ўргандим, дўстлар орттирдим. Шунинг учун мен бу юрт тупроғини муқаддас деб биламан. Ўзбекистонга келмаганимга ҳам анча бўлди, лекин юртингизда бўлаётган ўзгаришлардан матбуот орқали доимо хабардор бўлиб тураман. Байрам баҳона бу ерда амалга оширилаётган улуғвор ишларни ўз кўзим билан кўриш насиб этди. Мамлакатингизда қисқа даврда ҳақиқатан ҳам кишини лол қолдирадиган ўзгаришлар содир бўлибди. Мамлакатингизда тайёрланган маҳсулотлар бугун Тожикистон бозорларини ҳам тўлдириб турибди. Кўчаларимизда Асака шаҳрида ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар тобора кўпаяётгани ҳам фикримнинг яққол далилидир.

Шу ўринда, пойтахтингиздаги қурилишларни алоҳида таъкидлашни истардим. Шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Бир-биридан бежирим ва чиройли биноларни кўриб, бизнинг шаҳарларимизда ҳам шундай бинолар қурилишидан орзуманд бўлмоқдаман. Дам олиш масканлари одамлар билан гавжум эканини кўриб ҳавасим келди. Буларнинг барчасини мамлакатингиздаги тинчлик ва осойишталик самараси, Президент Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсатнинг меваси деб биламан. Юртингизда бошланган Тожикистон Республикаси кунлари икки халқ ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишончим комил.

/ЎзА/

«БАХМАЛ»ГА ҚУТ-БАРАКА КИРМОҚДА

Деҳқонга ҳеч ким ишлашни ўргата олмайди. Экинни қачон экиш, қандай парваришлаш, қачон суғориш ва қандай суғориш, ўриб-йиғиштириб олишни у яхши билади. Қишлоқда саҳардан то шомгача деҳқон меҳнати ана шундай ўтади. Агар деҳқончилик таъбири билан айтганда «Бош қашлашга ҳам вақт йўқ».

Бўка туманидаги «Бахмал» ширкатлар уюшмасининг аъзолари ҳам ана шундай деҳқонлардан. Улар бу йил жамоа хўжалиги аъзолигидан чиқишиб, ширкатлар уюшмасига бирлашдилар. Бу ҳақда ҳатто айрим мутахассисларга айтсангиз ҳам «Нима бўлибди, унисиям, бунисиям бирда» деб кўя қолишади.

Фарқи нимада? Ҳамма гап ана шу фарқни ажрата билишда-да. Ҳа бизда давлат бош ислоҳотчи. Республика Президенти, республика ҳукумати қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда жуда катта ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Деҳқоннинг тафаккурини ўзгартириш, қишлоқда меҳнат муносабатларининг янги шаклларини вужудга келтириш борасида бир қанча тадбирлар қилинди. Шу жумладан, «Бахмал»да ҳам бунга астойдил киришилди. Бу ердаги жами 1024 гектар суғориладиган экин майдони ижарага берилди. Шартномалар тузилди. Режалар белгиланди. Уюшма маъмурияти ва ширкатлар ўртасида бажариладиган ишлар аниқ кўрсатилди. Қисқа қилиб айтганда деҳқон жамоа хўжалиги ва ширкат ўртасидаги фарқни тушуниб олди.

Уюшма бош муҳандиси Сафар Асқаров эса буни шундай изоҳлайди: - Хўжаликдаги мавжуд техника ҳар бир ширкатга бириктириб қўйилди. Таъмирлаш, созлаш хизматини биз кўрсатамиз. Айтайлик, деҳқон учун ўта зарур пайтда техника бузилиб қолса, биз шартномаларда кўрсатилган вақтда таъмирлаб олмасак бошқа техника билан таъминлаймиз ёки жарима тўлаймиз. Менимча, бу катта масъулият. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишда сифат ва суръат гапда эмас амалда бўлмоқда. Ижарачилар Бахринисо Жумаева, Зуҳра Оролова, Азиза Аширалиевалар ҳам узоқ муддатга ерни ижарага олиб ишламоқдалар.

- Мана шу ерлар менга тегишли. Илгарилари ҳам ер бўлиниб берилган. Бироқ, у «колхозники» эди. Иккинчи йил бошқа ердан тушиб қолиши мумкин эди. Ким биласи дейсиз, ялқовроқ одам ишлаб у ерни бегона ўтга бостириб юборгандир. Биз ундай қилмаймиз. Оила аъзоларимиз билан ўғитлаяпмиз, сифатли чопикдан чиқардик. Шу ер бизни, оиламизни боқади. Биз ҳам уни боқишимиз керак. Мана кўриб турибсиз шоналар гулга айланаяпти. Демак уйимизга ҳам қут-барака киради.

Дарҳақиқат, «Бахмал» ширкатлар уюшмаси бу йил дастлабки натижаларни қўлга кирита бошлади. Пилла топшириш режаси ортиғи билан бажарилди. 478 гектар ердаги буғдой ўрим-йиғими давом этмоқда. Ҳосил режадаги 30 центнер ўрнига 32-35 центнерни ташкил қилмоқда. Хирмон донга тўлмоқда. Мавжуд 432 гектар майдондаги хўжа пайкалларида ишлов қизғин кетмоқда. Меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш, яхши шарт-шароитлар яратиб бериш борасида уюшма касаба қўмитаси яхши фаолият кўрсатмоқда. Бир пайтлар деҳқоннинг «иккинчи» уйи бўлиб сўнг унутиб юборилган дала шийпонлари ҳордиқ масканига айлантирилди.

Уч-тўрт йил ниҳоятда «ночор» аҳволга тушиб қолган «Бахмал»да қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ҳукумат ислоҳоти натижасида деҳқонлар оиласига қут-барака кириб қолди. Бу қут-барака қутлуғ келсин, деҳқоннинг баракаси улуғ бўлсин деймиз.

Мирза ҲАМДАМ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Суратда: механизаторлар Бахтиёр Қулбозоров ва Холмирза Асқаровлар.

Суратқаш: Ҳ. АВВАЛОВ.

Қишлоқда ислоҳот кўринишлари

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ПРЕЗИДЕНТ КЛИНТОНГА МАКТУБ

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон Хитойда ташрифда бўлиб турган шу кунларда хитойлик диссидентлардан мактуб олди. Хитой диссидентлари АҚШ Президентини Хитой Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ Бош котиби Жао Цзэянь билан учрашишга даъват этганлар. Жао Цзэянь 1989 йили Пекиндаги Тянаньмэнь майдонида содир бўлган тартибсизликлардан сўнг истеъфога чиққан эди. Президент Клинтон диссидентларнинг собиқ Бош котиб билан учрашиш ҳақидаги илтимосларини рад этган.

МУРОСА ЙЎЛИ ДАРКОР

Кувайт ташқи ишлар вазири Шайх Сабоҳ Ироқ ва БМТнинг қуролсизланиш бўйича комиссияси ўртасида муросани юзага келтириш жуда муҳимлигини таъкидлади. Кувайт ташқи ишлар вазирининг фикрича, Ироқ ва БМТ ўртасидаги можаронинг бартараф этилиши барча араб давлатлари, қолаверса Форс кўрфази минтақаси учун ғоят муҳим.

ЯНГИ УРУШГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Югославиянинг Косово ўлкасида тинчлик ўрнатилиши даркор, бу билан Болқонда янги урушнинг юзага келиши олди олинади. Бу ҳақда Италия Бош вазири Романо Проди ҳамда Греция Бош вазири Константинос Симитис Крит оролида бўлиб ўтган музокараларида баёнот бердилар. Ҳар икки Бош вазирнинг таъкидлашича, Косово можароси туфайли уруш юзага келса, унга Греция ва Италия Республикалари ҳам тортилиши мумкин.

ПОРТЛАШ

Ҳиндистон пойтахти Деҳлининг жануби-шарқий ҳудудида енгил автомашинага ўрнатиб қўйилган кучли портлаш мосламаси ишга тушиб кетган. Портлаш шаҳардаги энг гавжум ресторанлардан бирининг ёнида содир бўлган. Бу вақтда ресторанда 500 киши бор эди. Яхши ҳамки, мослама ресторандан одамлар чиқмай турган вақтда портлаган. Бу ҳодиса бир неча кишининг яраланишига сабаб бўлган холос.

XX АСР ЎЛАТИГА ҚАРШИ

Женевада СПИДга қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда XX аср ўлатига қарши курашда дунё давлатларининг ҳамкорлиги борасида фикр алмашилмоқда. БМТнинг СПИДга қарши кураш бўйича Дастури маълумотларига қараганда, ўтган йили жаҳондаги СПИД хасталигига чалинганлар сони 6 миллионга ортган. Умуман дунё бўйича эса бугунги кунда 30 миллион киши СПИДга мубтало бўлган.

ПОЛЬША ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯДА

Польша Президенти Александр Квасьневский Россияга расмий ташриф буюрди. Польша раҳбари Москвада Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашиб, икки далат муносабатларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

«Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 29 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 45,3 мингта акцияларини сотишиб - 41,3 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Савдо жараёнида энг юқори самарадорликка Наманган вилояти «Косонсой пахта толаси» ҳиссадор жамияти эришди. Жамият 5,8 миллион сўмлик акцияларини сотилишига эришди. Савдо давомида 33 та брокерлик идоралари қониқарли фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан эса 987,4 мингта акциялар сотилди. Қиймати - 722,1 миллион сўмни ташкил этди.

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят филиалларида ўтган ҳафтада 31 маротаба савдо бўлиб ўтди. Уларнинг 17 таси кимошди, 14 таси биржа савдоларидир.

Ҳафта давомида 224 та турли кўчмас мулклар ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 35 млн. 304 минг сўмдан иборат бўлди.

Мазкур ҳафтада сотилган объектлар сони бўйича Хоразм вилояти филиали биринчи ўринни эгаллади. Мазкур филиалда бошланғич баҳоси 1 млн. 26 минг сўм бўлган 50 та мулк 1 млн. 318 минг сўмга сотилган. Сон бўйича иккинчи ўринни Навоий вилояти филиали эгаллади. Бошланғич баҳоси 717 минг бўлган 46 та турли мулклар 961 минг сўмга сотилди.

Сотув пули бўйича эса биринчи ўринга биржанинг марказий аппарати чикди.

Ўтган ҳафтада Кўчмас мулк биржасида сотилган объектларнинг бошланғич нархига нисбатан сотилиш баҳосининг ошиши умумий ҳисобда 1,10 баробарни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 30 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	56,52
1 Австрия шиллинги	7,35
1 Англия фунт стерлинги	155,42
10 Бельгия франки	25,05
1 Голландия гульдени	45,84
10 Греция драхмаси	3,06
1 Дания кронаси	13,57
1 БАА дирхами	25,45
1 АҚШ доллари	93,46
1 Миср фунти	27,47
1 Ирландия фунти	130,00
1 Исландия кронаси	1,30
10 Испания песети	6,09
100 Италия лираси	5,24
1 Канада доллари	63,63
1 Хитой юани	11,29
1 Кувайт динори	308,65
100 Ливан фунти	6,19
1 Малайзия рингтити	22,96
1 Германия маркаси	51,67
1 Норвегия кронаси	12,18
1 Польша злотийси	26,63
10 Португалия эскудоси	5,06
1 Сингапур доллари	55,58
1СДР	124,45
1000 Туркия лираси	0,35
1 Финляндия маркаси	17,01
1 Франция франки	15,41
1 Швеция кронаси	11,73
1 Швейцария франки	61,28
1ЭКЮ	102,32
10 Жанубий Корея вони	0,68
10 Япония иенаси	6,59
1 Россия рубли	15,08
1 Украина гривнаси	45,34
1000 Беларусь рубли	2,50
1 Латвия лати	155,51
1 Литва лити	23,37
1 Молдава лейи	19,71
1 Қирғизистон соми	4,88

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Иқтисодиёт хабарлари

ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

Ўтган йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ўтказилган «Ташаббус-97» танловида Шуҳрат Фармонов раҳбарлик қилаётган «Турон-ШХ» хусусий корхонаси меҳнат жамоаси ғолибликни қўлга киритган эди.

Истеъмол бозорини тўлдиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган ушбу корхонада шу кунларда 60 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Корхона ишчи-хизматчилари асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдилар. Шунингдек, қурилиш ашъёлари, тикувчилик буюмлари, яхна ичимликлар тайёрлайдилар. Туман марказидаги кўпгина фирма дўконларидан ана шу корхона маҳсулотларини сотиб олса бўлади. Бошқа бир қатор маҳсулотлар эса (уларнинг тури 10 дан ортиқ) буюртмачиларга тўғридан-тўғри етказиб берилади.

Ўтган 1997 йил ва жорий йилнинг 1 чорагида жами 5 миллион 500 минг сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган корхона жамоаси келгусида жаҳон андозаларига мос келадиган озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ҳамдўстлик давлатларига уларни етказиб бериш мақсадида иш олиб боришмоқда.

А.ИСТАМОВ.

Шарҳловчи минбари

ЭРТАНГИ КУН ХАВОТИРИ

1 июль куни Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома кучга кирганига 30 йил тўлади

Мазкур Шартнома 1968 йилнинг 12 июнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ва ўша йилнинг 1 июлида кучга кирган эди. Ўша даврда Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномага дунёнинг ядро қуроллари эга беш давлати — Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия, Хитой ва собиқ СССР қўшилган эди. Бугунги кунда эса бу ҳужжатга жаҳоннинг 180 дан ортиқ давлати қўшилган. Бироқ Исроил, Ҳиндистон, Покистон каби айрим мамлакатлар Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномага ҳамон қўшилмай келаётирлар. Бу эса ядро қуроллари тарқалиши хавфи ҳозир ҳам мавжудлигини билдиради.

XX аср инсоният тарихида ўчмас из қолдиради. Айнан шу юз йилликда инсон илм-фан ва техника тараққиётининг юксак чўққиларини забт эта олди. Йигирманчи юз йиллик яна бир жиҳати билан авлодлар хотирасидан абадий жой олади: асримизда борлиқнинг энг даҳшатли қуроли — атом бомбаси ишлаб чиқарилдики, у бутун дунёни эртанги кундан хавотир олиб яшашга мажбур этди. Бу оммавий қирғин қуролининг Хиросима ва Нагасаки аҳолиси бошига солган кулфатлари, ядровий синовларнинг инсоният онаси — табиатга қанчалар зарар етказганини авлодларимиз афсус-надомат билан тилга оладилар. Ушанда улар XX аср одамлари — яъни сиз билан биз ҳақимизда қандай фикрда бўларкинлар? Келажак одамлари олдида ҳозирнинг ўзида уятли бўлиш нақадар даҳшатли!

Ядровий қуролларнинг синовлари, ҳатто улар ер ости шароитида синалган тақдирда ҳам, атроф-муҳитга, яъни сиз-у бизнинг умумий уйимиз — табиатга қурсатаёт таъсири ҳақида бир оз тўхталсак. Энг аввало, атом қуролининг энг кичик оғирликдагиси, айтайлик 50 килотонна вазндагиси портлатилганда ҳам, у иқлимнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлади.

Ҳиндистон ва Покистон ўз ядровий дастурларини амалга оширгунларига қадар Жанубий Осиёда фақат бир давлат — Хитой Халқ Республикаси атом бомбаларига эга мамлакат саналар эди. Айтиш керакки, Хитойда жуда кўп — 120 та ядро қуроллари бўлиб, уларнинг орасида 8 минг километр масофадаги объектни бехато ура оладиган 300 килотоннали бомбалар ҳам бор. Боз устига, Хитой 7 та қитъалараро баллистик ракеталарга эга. Пекиндан туриб босилган тугмача бундай ракеталарни сайёрамизнинг мавжуд етти қитъасидан исталганига «сафарбар» этиши мумкин.

Мана энди Жанубий Осиёдаги даҳшатли қуролга эга давлатлар сони учта бўлди. Ҳиндистон ва Покистон Хитой каби юздан зиёд атом бомбаларига эга бўлмаса-да, ҳар икки давлат ишлаб чиқарган ядровий қуролларнинг вазни 700-800 килотоннани ташкил этади. Бу жуда катта ва қўрқинчли куч. Боз устига, Покистонда ядро қуролларини «керакли нуқта»га етказиб боришга мўлжалланган «Ғоури» русумли ракеталар системаси барпо этилган бўлиб, у 1,5-2 минг километр масофани ура олади. Ҳиндистон ҳам ўз атом бомбалари учун «Агни» русумли ракеталарни ишлаб чиқарган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда ҳар икки давлат йилига 5-10 тадан атом бомбаси ишлаб чиқариш имконига эга. Бу — Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам яқин икки-уч йил ичида Хитойга тенглашиб қолиши мумкин, деганидир.

Бундай оммавий қирғин қуролларига эгалик қилиш иштиёқи ва атом бомбаларини кетма-кет синовдан ўтказиш минтақанинг ҳар бир давлати, шу жумладан Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам Ҳиндистон ва Покистонга нисбатан хавфсираш билан қарашларига сабаб бўлиши табиий ҳол. Ана шундай хавф мавжудлигига бефарқ қараш асло мумкин эмаслигини чуқур англаган Ўзбекистон ҳукумати ҳам Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматларини ядровий синовларга чек қўйиш, қуролланиш пойгасига барилмаслик, Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги ва Ядро синовларин таъқиқловчи умумжаҳон Шартномаларига сўзсиз қўшилишга чақирмоқда. Айнан шу мазмундаги дававатлардан иборат резолюция Женевада ўтказилган БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида ҳам қабул қилинди. Бироқ Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари яна қайсарлик қилиб Женевада қабул қиланган ҳужжатга қўшила олмасликларини баён этмоқдалар.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг дунёда ядро қуроллари ишлаб чиқарилиши ва бу қуролларининг тарқалишига қатъиян қаршилик билдираётганини таъкидлаб ўтиш керак. Ўзбекистоннинг бундай тинчликпарварлик сиёсати мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ оламга овоза этилган эди. 1993 йилнинг 28 сентябрида эса Президентимиз Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан туриб Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилишнинг қатъий тарафдори эканлигини айтган эди. Ушандан буён ўтказиб келинаётган ҳар бир йирик халқаро анжуман ва учрашувлар минбарларида Ўзбекистон раҳбари ядровий қуролланиш ва ядровий синовларни кескин қоралаб келади. Яқинда Қозоғистон пойтахти Остонада бўлиб ўтган туркий тилли давлатлар раҳбарларининг учрашувида ҳам Президент Ислом Каримов ядровий қуролланишнинг дунё тинчлигига қурсатаётган салбий таъсирини қоралаб, Ҳиндистон ва Покистондаги ядро қуроллари синовлари юзасидан катта афсус билдирди.

Кези келганда шуни ҳам қайд этиш керакки, Ўзбекистон 1996 йилнинг 3 октябрида Ядро қуроллари синовларини таъқиқловчи умумжаҳон Шартномаси ташкилотига аъзо бўлиб кирган. Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ўша санада Нью-Йоркдаги БМТ Бош қароргоҳида Ядро қуроллари синовларини таъқиқловчи умумжаҳон Шартномасини имзолаган ва бу билан Ўзбекистоннинг тинчлик сиёсати йўлидан огишмай боражагини яна бир бор намойиш этган эди. Бугунги кунда дунёнинг барча давлатлари ҳам тинчлик йўлидан боришлари даркор. Эртанги кун хавотири шуни тақозо этади.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи.

Хурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Касаба уюшма ҳаёти

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Маълумки, газетамизнинг шу йил 25 апрель сонида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгированинг «Устивор йўналишларимиз» сарлавҳали мақоласи эълон қилинганди. Унда барча соҳада бўлаётгани каби касаба уюшмалари тизимидаги янгиликлар, касаба уюшмаларининг таркибий тузилмалари, меҳнат аҳлининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда хусусан касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш кераклиги ҳақида фикр юритилган. Хўш, касаба уюшма ташкилотлари давр ва замон талаби даражасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга эришаяптими? Ташкилотнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи мустаҳкамланаяптими? Ушбу саволларга аниқ жавоб топиш мақсадида «Қашқадарёавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Тўйчи ВАЛИЕВ билан мулоқотда бўлдик. Қуйида ушбу мулоқот мазмуни билан танишасиз.

- Тўйчи Валиевич, аввало ўзингиз ишлаётган бирлашма ва касаба уюшма қўмитасининг фаолияти ҳақида қисқача тўхталсангиз?

- Бирлашмамиз воҳадаги йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Йўл-ободончилик боши деганларидек вилоятнинг бирор туман ва хўжалиги йўқки унда бирлашмамиз ишчи-хизматчилари фаолият кўрсатмаса. Ҳаммасида ишчи-хизматчиларимиз меҳнат қилади. Бирлашмамизга 28 ташкилот қарайди. Қарийб 3,5 минг киши фаолият кўрсатмоқда. Дастлаб иш бошлаганимда анчагина қийинчиликларни бошдан ўтказишга тўғри келди. Бирлашмамизга қарашли ташкилотларда яъни 70 фоизида Меҳнат кодексининг 74-моддаси қўпол равишда бузилган экан. Яъни меҳнат шартномалари ёзма равишда тузилмаган ва тасдиқланмаган. Ходимларни ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқлар қонун талаблари даражасида расмийлаштирилмаган. Хуллас, жойлардаги касаба уюшма қўмиталари етакчилари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб келишганлиги маълум бўлди. Бу камчиликларни бирма-бир ўрганиб чиқдик.

Қонун устиворлигини таъминлашда эътиборсизлик қилган йўл ташкилотларининг бошлиқларига бирлашма маъмурияти билан келишган ҳолда интизомий чоралар кўрилди. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараган касаба уюшма қўмиталарининг раислари ўрнига янгидан ташкилотчи ва ташаббускор ёшлардан етакчилар сайланди.

- Эшитишимизга қараганда хусусан йўл ташкилотлари бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари учун саволнома тузган экансиз, шу тўғрими?

- Тўғри. Шаҳар ва туман йўл ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш, ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш учун саволнома тузилди. Ҳар бир ташкилотга ва касаба уюшма қўмитаси раисига ушбу саволнома тарқатилди. Саволнома 3 та бўлимдан иборат бўлиб, жами 45 та савол қўйилган. Биз тез орада ана шу саволларга жавоб олдик. Тўғриси берилган саволларга жавобларнинг аниқми ёки юзакилигини назорат қилиб бордик ва боряпмиз. Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар бўлаяпти десам асло хато қилмайман. Ҳозирги шароитда меҳнат аҳлига ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг фаровон яшаши, ижодий ишлаши, маданий дам олиб, ҳордиқ чиқариши учун моддий ва маънавий, маиший ва маданий шарт-шароит яратиб бериш муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади. Шу боис бирлашма ташкилотларида бир сменали иш ташкил этилган. Ходимларнинг ҳафтасига 40 соатдан ошиқча ишлашига йўл қўйилмаётир.

- Бирлашма ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш борасида қўмитанинг олиб бораётган иши хусусида тўхталсангиз?

- Бизда қиш ва баҳор ойларида тошқин ва сел оқимларини хавфсиз ўтказиб юбориш ва унинг оқибатларини тугатиш даврида йўлларнинг хавфли участкаларида навбатчилик ташкил этилади. Навбатчиларга тегишли шароитлар яратилиб, бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Уларга навбатда турган кунлари учун қўшимча дам олиш кунлари қўшиб берилмоқда. Навбатчиликлар фақат концерн ва бирлашма бўйруқларига асосан ташкил этилаяпти. Ишчи-хизматчилар ҳар йили ўз вақтида меҳнат таътилига чиқишмоқда. Дам олиш уйларига ва санаторийларда дам олишлари учун йўлланмалар берилаяпти. Йўлланма нархининг 90 фоизи идора ҳисобидан тўланаётир. Бултур 16 киши бепул йўлланма билан таъминланган бўлса, бу йил 20 кишига бепул йўлланма берилади. Ҳозиргача 12 кишига берилди. Бугунги кунда йўлчиларнинг ўғил-қизлари оромгоҳларда йўлланма билан дам олишмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиб ойлик маошига қўшимча овқат пули ҳам берилишини таъминлаяпмиз. Уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга ўз вақтида моддий ёрдам берилмоқда.

Бирлашмамиз ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Шу боис қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари арзон ёки бепул тарқатиляпти.

- Айтинг-чи, ишдан бўшаган ёки қисқартиришга тушган кишиларни иш билан таъминлаш мақсадида қўшимча иш ўринлари яратилаяптими?

- Ҳа, яратилаяпти. Ташкилотларимиз қошида кўплаб цехлар очилмоқда. Мисол учун Қарши асфальт-бетон заводида битум эмульсияси ишлаб чиқарувчи цех ташкил этилди. Бу бир томондан кишиларни иш билан таъминлаш имконини берган бўлса, иккинчи томондан ташкилотларга битум маҳсулотини тежаш имконини бераётир. Ҳозирда ана шундай цехлар сони ўндан ошди.

- Жамоа шартномаларининг бажарилиши қандай бўлмоқда?

- Аввало шуни айтиш керакки, шартнома бажариш учун тузилади. Шундай экан биз шартномада кўрсатилган бандларнинг ўз вақтида бажарилишига эришишга ҳаракат қилаяпмиз.

Иш билганга - минг танга

АЁЛ ИШБИЛАРМОН БЎЛГАНДА...

Ўзбекистон ишбилармон хотин-қизларининг «Тадбиркор аёл» уюшмаси 1995 йилда ташкил этилган эди. Ўша йили кузда бу жамоат ташкилоти Бухорода ҳам ўз бўлимини очган ва вилоят тадбиркор аёлларнинг муаммоларини ўрганиш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида иш бошлаган эди. Суҳбатдошимиз Бухоро вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмасининг раисаси Дилбар АҲМЕДОВА уюшма фаолияти ҳақида берган саволларимизга қуйидагича жавоб берди:

- Дилбар опа, аввало Ўзбекистон ишбилармон хотин-қизлари «Тадбиркор аёл» уюшмасининг ҳуқуқий мақоми, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида қисқача тушунтириш берсангиз.

- «Тадбиркор аёл» уюшмаси бозор муносабатларига асосланган жамиятимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш мақсадида тузилиб, қонуний тартибда рўйхатдан ўтган жамоат бирлашмасидир. У ўз фаолиятини давлат органларидан мустақил ҳолда, аммо улар билан ҳамкорликда амалга оширади. Шунингдек, бу уюшма тадбиркорлик, инсон ҳуқуқлари, иқтисодиёт билан шуғулланувчи ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳар қандай ташкилот билан ҳамкорлик қилади. Уюшманинг ўзи тижоратчилик фаолияти билан шуғулланмайди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор аёл уюшмаси ўз ойласини, корхонасини тадбиркорлик орқали иқтисодий мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган хотин-қизларимизга ҳам амалий, ҳам ҳуқуқий ёрдам беради.

- Уюшма тузилгандан буён ўтган икки йилдан ошиқроқ вақт ичида сиз раҳбарлик қилаётган жамоат ташкилоти вилоятда қандай ишларни амалга оширди?

- Анча ишларни... Мен дарҳол расмий маълумотларни тақдим этмоқчи эмасман. Лекин ахборот учун уларни ҳам билиб қўйсангиз ёмон бўлмасди. Мана улар: ҳозирги кунда вилоятимиздаги ет-тита ҳиссадорлик жамиятига, 102 та хусусий корхонага, 200 та кичик корхонага, 100 та фермер хўжалиги ва 94 та деҳқон хўжалигига хотин-қизлар раҳбарлик қилишмоқда. 4997 нафар хотин-қиз якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлиги қайд этилган.

Энди бевосита ўзимиз амалга оширган ишларга келсак, уюшма ҳузурида «Зебинисо» маданият марказини, «Умид» кредит бирлашмасини, учта ўрта мактабда бизнес синфларини, ҳуқуқий билимлар марказини, ахборот марказини ташкил этдик ва улар самарали фаолият юритмоқда. Ахборот марказимиз халқаро «Шарқ-Ғарб» хотин-қизлар ахборот тармоғига аъзо, электрон почта орқали АҚШ, Россия ва Қозоғистон билан алоқа ўрнатган. Ўтган йили Бухоро шаҳридаги 23-ўрта мактабда болаларнинг оилавий ҳунармандчилик цехини очдик, улар тайёрлаган каштачилик, зардўзлик, ўймакорлик, ганчкорлик маҳсулотлари бултур Қўқон шаҳрида ташкил этилган савдо кўргазмасига ҳам чиқарилди.

Кредит бирлашмамиз халқаро Меҳрибонлик корпуси ва «Винрок Интернешнл» (АҚШ) ташкилотининг ёрдами билан ташкил этилган, ҳозир унга 27 тадбиркор аёл аъзо. Германиялик ҳамкорлар билан биргаликда «CEFE» дастури бўйича кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи марказ лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бизнинг лойиҳамиз бўйича Меҳрибонлик корпуси орқали Шофиркон туманидаги «Феруз» деҳқон хўжалигига 10 минг АҚШ доллари миқдорида беминнат ёрдам кўрсатилди. Бу пулга сотиб олинган трактор деҳқон хўжалигига катта фойда келтирмоқда. Умуман 1995-1997 йилларда уюшмамиз лойиҳалари бўйича тадбиркорлик ишларига 120 минг 566 долларлик хориж инвестициялари сарфланди. Шу вақт мобайнида вилоятда хотин-қизлар раҳбар бўлган корхоналар бизнес фондлардан 17 миллион 721 минг 697 сўм, «Тадбиркорбанк»дан 3 миллион 260 минг сўм кредит олиб, ўз фаолиятларини ривожлантирдилар.

Биз хотин-қизларнинг оила ва жамият фаровонлиги йўлидаги меҳнат фаолиятларини тўғри в самарали йўналтириш учун туманларда турли ўқув ва мулоқотлар ташкил этиб турибмиз. Ғиждувон, Шофиркон, Олот туманларида ва Бухоро шаҳрида яқинда шундай мулоқотлар ўтказилди. Вилоят прокуратураси, божхона тизими, солиқ инспекцияси, касаба уюшмалари, тадбиркорлар палатаси ва бошқа идораларнинг малакали мутахассислари бундай мулоқотларда иштирок этишиб, ишимизга яқиндан ёрдам бераётирлар.

- Мени бир нарса ўйлантиради. У ҳам бўлса аёлнинг жамиятдаги ўрни масаласи. Сизнингча, аёл учун нима муҳимроқ, оилами, ёки ишми?

- Саволни бундай қўйишингизнинг ўзи, менимча, нотўғри. Сиз айтмоқчисизки, аёл киши тадбиркор бўламан деб ўзини ўтга-чўққа уравермаслиги, уй бекаси бўлиб ўтириши керак, шундайми? Албатта, аёл учун ҳамма нарсадан муҳими, муқаддаси - оила. Аммо қандай оила бахтиёр, фаровон, келажаги таъминланган оилами ёки ночор, етишмовчиликлар туфайли нотинч, келажаги забун оилами? Ҳар қандай аёл биринчисини орзу қилади. Ва шунга интилади. Мана шундай оиланинг соҳибаси бўлиш учун эса аёл ҳозирги шароитда ўқимишли, тадбиркор, тиниб-тинчимас бўлиши керак.

Даврнинг ўзи хотин-қизларимизни тадбиркор бўлишга ундаяпти. Қишлоқ аёллари даладан бўш пайтларида уйда бирор касби-кор билан шуғулланмоқдалар, мол боқмоқдалар ва маҳсулотларини бозорда сотиб оилаларига даромад келтирмоқдалар. Бу ҳам бир тадбиркорлик. Мен аёлнинг ўтиш босқичидаги ўрнини шундай тушунаман.

- Суҳбатимиз охирида Оила йили муносабати билан режалаштирган ва амалга ошираётган тадбирларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

- Биз бу йил вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда бир қанча ишларни амалга оширишни мўлжалламоқдамиз. Фаолиятимизнинг йўлга қўйилган`турларини ривожлантириш билан бир қаторда Марказий Осиё республикаларидаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш, бу алоқалардан вилоятимиз тадбиркор аёлларини манфаатдор қилиш бўйича ҳам иш бошладик. Ўтган ой охирида «Каунтерпат Интернешнл» лойиҳаси ва «CEFE» дастури асосида аёлларнинг иқтисодий билимларини ошириш мақсадида икки ҳафталик ўқув-семинарлар уюштирдик. Халқаро хотин-қизлар кунида Ромитан туманида «Аёл ва оила» мавзусида тадбиркор аёллар билан учрашув ўтказдик. Навруз байрамига бағишлаб «Зебинисо» маданият марказида тадбиркор аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг катта кўргазма сотуви ташкил этилди. Барча туман ва шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмалари иштирокида «Оила, аёл ва бизнес» кўрик-танловини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Хуллас, олдимизда турган ғоят муҳим ва хайрли ишларни амалга ошириш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қилаверамиз.

Суҳбатдош: Саид БУРХОН.

Ёз ва болалар

«ГЎЗАЛ»ДА БИР КУН

— Бу ерда куннинг ўтиши бошқача маъно касб этаркан...

Меҳрибоннинг бу гапи сабаб бўлибми, Мурод ранг-қаламини картон устига қўйганича, ўзини ўраб олган янги дўстларига бир-бир қараб қўйди. Ҳаммалари у чизаётган қўённинг расмини кўздан кечириб туришарди.

— Тезроқ тугатақол, Мурод, — аллақаердан шошилиб келган Зарина болалар орасидан ўтиб, расмни кўздан кечирди, кейин хурсанд бўлиб, — «Битирибди-ку!» — деб қўйди. — Энди кетдик, Гулзаҳро опамиз «Маданият ва маънавият» хонасида кутиб турибдилар. Қизиқ суҳбат бўладиганга ўхшайди.

1-отряд болалари оромгоҳнинг «Маданият ва маънавият» хонасида мамлакатимиз саноатининг бугунги ривожи ҳақида суҳбат тинглаб, стендлардан жой олган кўргазмаларни томоша қилишди. Тарбиячи Гулзаҳро Ўтегеновнинг Асака автозаводи, Қашқадарёдаги газ қазиб олиш қувватлари, пойтахт метросида қурилиш ишларининг бориши ҳақидаги ҳикоялари айниқса мароқли бўлди...

Чирчиқ метал конструкциялари ҳиссадорлик жамиятининг «Гўзал» оромгоҳида 200 ўғил-қиз ёзги таътилни ўтказаяпти. Болалар эрта тонгдан кечгача турли машғулотларда банд бўладилар. Корхона жамоаси болаларнинг бу оромгоҳдаги ҳар бир куни кўнгилли ўтиши учун ғамхўрлик кўрсатишяпти. Ётоқхоналар деворларидаги табиат манзаралари акс этган ранг-тасвир асарлари кўзларга дам бериб, дилларга ҳузур бағишлайди.

Оромгоҳда тарбия ишлари аниқ режа асосида олиб бориляпти. Болалар атроф бойликлари билан танишадилар, оромгоҳ фитобари учун шифобахш ўтлар тўплайдилар. Ҳар бир етакчи ёки тарбиячи бу ўтларнинг хусусиятларини яхши билиб олганлиги майдондол томонларга сафарларга алоҳида мазмун бағишлаяпти.

Оромгоҳда уч хонадан иборат «Маданият ва маънавият» маркази ишлаб турибди. Она-Ватан бойликлари, унинг буюк келажаги, жаҳон фани ва маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутган улуғ боболаримиз фаолиятига бағишланган суҳбатлар дам олувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Сузиш ҳавзасини айтмайсизми?! Устоз Роман Стрежак ҳатто энг кичкина ёшдаги болалар билан ҳам сувда гавдани тутиб туриш, сузиш юзасидан машқларни ўтказяпти. Арғимчоқ атрофи, спорт майдонлари ҳамиша гавжум.

— Биринчи галда 200 болани дам олдираяпмиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Муслима Сариева — «Ишонч», «Замон», «Ёшлик» отрядларида ўйинлар, спорт мусобақалари айниқса қизиқарли ўтаяпти.

— Оромгоҳимизда ёш рассомлар, футболчилар, шахматшашка тўгараклари мукаммал ишлаб турибди, — дейди бош етакчи Эдем Аблязимов. — Бир кунлик саёҳатлар чоғида овқатни йўлда болаларнинг ўзлари тайёрлашади.

Э. МЕМИШЕВА.



Суратда: 1. Оромгоҳ бошлиғи Муслима Сариева (ўртада) «Ёшлик» отряди етакчиси Эдуард Махнев, тарбиячи Гулзаҳро Ўтегеновалар билан навбатдаги саёҳат маршрутини аниқлаяпти; 2. Тарбиячи Улпаш Сарсенова билан бош етакчи Эдем Аблязимов «Маърифат ва маданият» марказида болалар билан суҳбат ўтказишяпти. 3. Пешиндан кейинги дам. Тарбиячи Фотима Туғонова болалар ётоқхонасида.

В. ПОРТНОВ суратлари.

«Ишонч» мақолалари изидан

«НАҚД ПУЛ ТАЪМИНОТИДАГИ УЗИЛИШЛАР»

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Сизга шуни маълум қиладики, «Ишонч» газетасининг 1998 йил 14 апрель сонида чоп этилган «Нақд пул таъминотидаги узилишлар» номли танқидий мақола юзасидан Жиззах вилоятининг Мирзачўл ва Зарбдор туманларида, мақолада келтирилган фактлар бўйича жойида текшириш ўтказилди.

Мақолада Мирзачўл тумани бўйича келтирилган, яъни Халқ банкида нақд пулнинг бўлмаганлиги сабабли жорий йилнинг 16 мартигача уч ойлик нафақа пуллари тарқатилмаган, бу эса 4372.7 минг сўмни ташкил қилади, деб такидланган.

Аммо, Мирзачўл туманининг Халқ банкида ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, 16 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга тўланаётган нафақаларнинг харажатлари ўз вақтида молиялаштирилган ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш учун халқ банки томонидан нақд пул билан узлуксиз таминлаб борилган.

Зарбдор туманида юз берган камчиликлар, туман халқ таълими бўлими, молия бўлими, Халқ банки ҳамда Қишлоқ фуқаролари йиғинлари ва маҳалла қўмиталари раисларининг назорат, ижро ишларини талаб даражасига қўймаганликлари натижасида иш ҳақи ва нафақаларни тўлашда айрим сусткашликларга йўл қўйилган. Бунинг оқибатида эса иш ҳақи ва нафақаларни кечиктириб тўлаш ҳоллари рўй берган.

Бундан ташқари туман ўз-ўзини бошқариш органлари яъни маҳалла қўмиталари томонидан нафақа тўлов қайдномалари Халқ банки шаҳобчаларига 12 кундан то 178 кунгача муддатидан кечиктириб топшириш ҳоллари аниқланди. Жумладан, «Шарқ Юлдузи» маҳалла қўмитаси ўтган йилнинг сентябр ойи учун тўлов қайдномасини Халқ банки шаҳобчасига белгиланган муддатга нисбатан 178 кунга ва шу йилнинг январ ойи учун эса 72 кунга кечиктириб топширган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида 1998 йилнинг 15 апрел куни вилоятда йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлил қилинди ҳамда келажакда бундай камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида чора тадбирлар ишлаб чиқилиб, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Ш.ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазири муовини.

Соғ танда-соғлом ақл

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Навоий вилоят касаба уюшмалари кенгаши 1998 йил ёзги мавсумга тайёргарлиги юзасидан қатор тадбирларни амалга оширди. 1998 йилда вилоятдаги 13-болалар оромгоҳи фаолият кўрсатиб, қарийб 4500 бола дам олиши режалаштирилмоқда.

Навбаҳор туманидаги «Ўзбекистон» болалар оромгоҳи шу йил мавсумида 600 болага хизмат кўрсатиш қувватига эга. Соғломлаштириш оромгоҳида таъмирлаш ишлари тумандаги жамоа хўжаликлари ва қурилиш ташкилотлари ёрдамида, асосан ҳашар усулида амалга оширилди.

Навоий туманидаги «Нарпай» жамоа хўжалиги учинчи агросаноат ҳудудидаги «Дўстлик» болалар оромгоҳида ҳар мавсумда 120 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган.

Оромгоҳни таъмирлаш асосан «Нарпай» жамоа хўжалигининг қурилиш бригадалари томонидан амалга оширилди.

С. ҲАМИДОВ.

Болалар ижтимоий муҳофазаси

ЖАЖЖИЛАР ЭЪЗОЗДА БЎЛАДИ

Халқимизни бежизга болажон дея аташмайди. Шу боис ҳам боболаримиз, момоларимиз «Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа» дея ёш гўдакларни ардоқлаб келишган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач келажак ворисларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Биз бу борада ҳукуматимиз томонидан жорий этилган қатор имтиёзлар, мураббийларга кўрсатилаётган эъзозларни санаб ўтирмадик. Кичкинтойлар хусусида тинмай қайтариб келаётган болажон бир ташкилот фаолиятига тўхталмоқчимиз. Унинг номи «Болалар» жамғармаси. Яқинда ана шу жамғарманинг Сирдарё вилоят бўлими ижрочи директори Шавкат Мамараҳимов билан суҳбатлашдик.

- Шавкатжон, аввало жамғарма фаолияти, режалари ҳақида тўхталсангиз.

- Республикамизда она ва болани ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бизнинг жамғармамизнинг дунёга келишининг ҳам асл мақсади ана шу. Юртимизда мурғаклар кўнгли ўксишига сира ҳам йўл йўқ. Фаолиятимизни асосий мезони шунга қаратилган. Вилоятимизда иккита болалар уйи бор. Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар ҳам анчагина. Биз ана шуларга ҳам моддий ҳам маънавий ёрдам кўрсатишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Уларнинг ҳар биридан хабар олиш беғубор болалигига ташвишлар раҳна солмаслигини таъминлашимиз даркор.

- Ижтимоий муҳофазалашга доир ўтказилган тадбирларга тўхталсангиз.

- Яқинда «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда вилоятимизнинг турли туман ва шаҳарларида яшаётган ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг 200 нафар фарзандларини Гулистон шаҳрига таклиф этдик. Шу куни маданият ва истироҳат боғи тўлалигича улар ихтиёрига берилди. Кичкинтойлар барча ўйинчоқлардан бепул фойдаланишди. Серфайз дастурхонда тушлик уюштирилди. Шундан сўнг ҳар бир бола учун 750 сўмлик кийим-кечак тақдим этилди. Ана шу бир куннинг сарф-харажати 150 минг сўмни ташкил этди. Энг муҳими шу куни кичкинтойлар яйраб қувнашди. Боғни уларнинг шодон қийқириқлари тутиб кетди. Шунингдек, Гулистон шаҳрида истиқомат қиладиган 20 нафар ногирон болаларга 12 минг сўмлик кийим-кечак совға қилинди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан кўнгли кемтик жажжиларга 250 минг сўмлик хайрия тадбири ўтказилди. Бу фаолиятимизнинг бир қисми холос. Анча ишларни режалаштирганмиз. Чунончи, июн ойида 27 меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 40 нафарини Самарқанд шаҳрини томоша қилишга олиб боришни режалаштириб турибмиз. Сафардаги барча сарф-харажатларни ўз зиммамизга оламиз. Хуллас болажонлар учун неки қилсак оз.

- Жамғарманинг молиявий аҳволи қандай?

- Тўғриси мақтанарлик даражада эмас. Лекин барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Тасарруфимизга озроқ ер ажратилган. Фойданинг бир қисмини шундан олишга интиляпмиз. Кенг жамоатчилик ҳам қараб турғани йўқ. Халқимиз орасида саховат пешалар жуда кўп. Улар ҳам баҳоли қудрат кўмаклашяпти. Корхона ва ташкилотлар ҳам ёрдамини аяшмайди. Қисқаси, дилида эзгулик, меҳри бор инсонларга доимо эшигимиз очиқ. Халқимиз «савобли ишни ҳамиша ва ҳар куни қилиш керак», дея бежизга айтмаган. Ана шу хайрли ва масъулиятли вазифа бизнинг зиммамизда экан уни доимо виждонан бажаришга интиламиз.

Суҳбатдош: Нурилла ШАМСИЕВ

Газетада босилмаса ҳам

ТАСДИҚЛАНДИ, ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимларидан иборат комиссия Қашқадарё вилоятида яшовчи О.Орипова аризасини жойида атрофлича текшириб чиқди. Текшириш натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

I. Аризада кўрсатилган Денов туманидаги Хозорбоғ, Ўзбекистон жамоа хўжалиги қишлоқ шифохоналарида дори-дармон, чойшаб, кўрпа ғилофларининг танқислиги тасдиқланди.

2. Қишлоқ шифохонаси Саидаҳмедовнинг «бензин йўқ, машина топинг» деган гапи ҳам ўз тасдиғини топди, лекин «қизингиз оғир, шифохонага ётқизишнинг ҳожати йўқ, эртаиндин жони узилади», деган гапни беморнинг отаси инкор қилди.

3. Бемор О. Орипова 10 мартдан 4 майгача клиникада даволанган ва керакли муолажаларни олган.

4. Қашқадарё вилояти У. Юсупов туман шифохонасида сув масаласи муаммо эканлиги тасдиқланди ва тез орада туман ҳокимияти билан ечимини топишга чора ахтарилмоқда.

Комиссия аъзолари беморнинг отаси билан суҳбат ўтказиб, у кишининг касаллигини инобатга олди ва керакли тиббий ёрдамни ташкил қилдилар.

Текшириш натижасида хато ва камчиликларга йўл қўйганликлари учун қишлоқ шифохонаси врачи Саидаҳмедов, фельдшер Т. Собиров Ўзбекистон жамоа хўжалиги қишлоқ шифохонаси бўлим бошлиғи М. Азизов, уй бекаси Ш. Тўхтарова, ҳамшира Ш.Мингпарова, шофёр А. Муҳаммадиевларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Комиссия аъзолари беморни вилоят хонасида даволанаётган чоғида суҳбат ўтказдилар ва касалга керакли тиббий ёрдам кўрсатишни бош врач ўринбосарига юкладилар.

П.Р. МЕНЛИҚУЛОВ,
Бош Бошқарма Бошлиғи

Президент Фармонлари қандай бажарилаяпти?

БОЗОР — ДАРОМАД МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бозордаги ишни тубдан яхшилаш ва эл маъмурчилигини таъминлаш йўлидаги муҳим ишлардандир. Ана шу Фармон ва қарор талабларини амалда бажариш учун вилоят, шаҳар, туманлар прокуратураси, ИИБ ҳамда жойлардаги солиқ идоралари ходимларидан иборат тезкор гуруҳлар ташкил қилинган.

Сурхондарё вилоятида 74 бозор ва бозор шаҳобчалари мавжуд. Уларда 120 нафар паттачи хизмат қилади. Йиғилаётган патта маблағи бозорлардаги шароитни яхшилашга сарфланмоқда. Аммо ҳар тўкисда бир айб бор, деганларидек, паттачилардан айримларининг нафси ғала-ғула қилиш ҳоллари ҳам бор экан. Тезкор гуруҳ ўтказган 36 та текшириш мобайнида 17 нафар паттачининг солиқ қонунларини бузганлиги аниқланди. Улардан 12 нафари 20 минг 600 сўмга маъмурий жаримага тортилди. 5 нафари устидан тузилган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун суд идораларига юборилди. Шунингдек, текширишлар жараёнида Узун, Музрабод, Қизириқ туманлари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларида патта пулларининг маҳаллий бюджетга ўз вақтида ўтказилмаганлиги аниқланиб, 611,6 минг сўм устама жарималар солинди.

Шуни ҳам айтиш керакки, амалдаги қонунларга зид равишда бозорларнинг даромадларидан бюджетга ўтказиладиган 50 фоиз қисмидан озод қилиниб, уларни тўлиғича бозор ихтиёрига қолдириш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бундай «мардона» иш Бандихон, Термиз туманларида юз берди. Туман ҳокимининг 1997 йил 13 мартдаги қарори билан Бандихон «Бозор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва Термиз туманидаги «Отчопар» хусусий бозоридан олинган даромадларнинг юз фоизи, Термиз туман ҳокимининг 1995 йил 21 сентябрдаги қарори билан «Баракат» деҳқон бозори даромадларининг 90 фоизи бозор ихтиёрида қолдирилган. Тилга олинган бу икки туманда 1997 йил давомида 486,9 минг сўм, 1998 йил тўрт ойи мобайнида 197,3 минг сўм маҳаллий бюджетга тушмай қолган. Бунга эса туман ҳокимларининг фармойиш ва қарорлари сабабчи бўлган.

Вилоятимиз бозорларида ўтказилган текширишлар жараёнида савдо қилиш учун расталар, тош-тарози етишмаслиги, бундан ташқари мавжуд тош-тарозиларнинг давлат стандартига жавоб бермаслиги ҳолатлари аниқланди. Ўтказилган текширишлар таҳлилига асосан 1998 йилда вилоятимиз бозорларида савдо расталари етишмаслиги оқибатида 10,7 миллион сўм, тош-тарозилар камчилиги туфайли 8,3 миллион сўм, жами 19 миллион сўм патта пуллари йиғилмай қолиши кутилмоқда. Ана шунча катта маблағни ўзлаштиришнинг, бюджетга туширишнинг барча чора-тадбирларини кўриш кераклигини вазият тақозо этмоқда.

Агар мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, юқоридаги гапларимиз ўз исботини топади. Масалан, Денов туманидаги машҳур «Бободеҳқон» бозорини олиб кўрайлик. Бу ерда ҳўл ва қуруқ мевалар билан савдо қилаётганлардан атиги 77 нафари тарози билан таъминланган, холос. Бошқача қилиб айтганда, ўртача ҳар олти кишига битта тарози тўғри келади. Агар бу ҳолат йил давомида рўй бериб турса, унда оз эмас, кўп эмас - 5,8 миллион сўм патта пули йиғилмай қолди, деганидир. Шу ўринда бир ёрқин мисолни келтириб ўтамиз. Текшириш кунига қадар бозорнинг ҳўл ва қуруқ мевалар растаси паттачилари томонидан бир кунда ўртача 14 минг 700 сўм патта пули йиғилган бўлса, текшириш кунида солиқ бошқармаси ходимлари иштирокида 23 минг 700 сўм йиғилди. Бу бошқа кунлардагига қараганда 9 минг сўмга кўпдир. Денов туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш жараёнида паттачи Б.Ўроқов ва У.Худойбердиевлар ғазнасида 6200 сўм ортиқча пул борлиги аниқланган ва тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман прокуратурасига топширилди.

Юқоридаги Фармон ва қарорда бозор ҳиссадорлик жамиятлари ўз акцияларини чиқаришлари кераклиги кўрсатиб ўтилган. Лекин шунга қарамасдан, бу ишлар ҳалигача амалда қилингани йўқ. Акцияларнинг фақат намуналаригина тайёрланиб, қиймати ва миқдорлари белгиланган, холос. Чунончи, Бандихон, Узун, Сариосиё очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ҳозиргача ҳам ўз акцияларини сотувга чиқаришмаган. Бундан ташқари, Шеробод туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти томонидан 707 минг сўмлик акциядан 115 минг сўмлиги, Олтинсой туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида эса 6224 дона акциядан бор-йўғи 26 дона ёки 13 минг сўмлиги сотилган, холос. Келтирилган бу рақамлар эса ишни тубдан яхшилаш лозимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бозорларда ўтказилган текширишларда белгиланган нақд пул эмиссияси режасини бажармаслик, туман ҳокими томонидан патта миқдорлари тўғрисида чиқарилган қарорларга амал қилмаслик, бозорларда савдо қилувчилар учун шарт-шароитлар яратиб бермаслик каби иллатлар тез-тез учраб турибди.

Агар мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, кўп нарсалар ойдинлашиб қолади. Денов туман «Бободеҳқон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текшириш жараёнида паттачилар томонидан белгиланган миқдорга амал қилмаслик, кам ҳақ олиш ҳолатлари ҳамда тижоратчилар учун савдо расталари мавжуд эмаслиги, бунинг устига зарур шарт-шароит яратиб берилмаганлиги кўзга ташланди. Шўрчи туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бозоридаги аҳвол ҳам яхши эмас экан. Жой етишмаслиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчиларнинг 60 фоизи ерда ўтириб савдо қилишмоқда. Фуқароларнинг жазирама иссиқ кунларида, қорли-ёмғирли пайтлардаги ҳолатини ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Қизириқ, Олтинсой, Бандихон туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари томонидан 1998 йил тўрт ойлик нақд пул эмиссия режаси ҳам бажарилмаган. Вилоятимиздаги айрим бозорлар балансида турган транспорт воситаларидан самарали фойдаланилмаётир. Ёки бўлмаса мавжуд автоуловлар ҳам носоз ҳолда сақланмоқда. Масалан, Денов «Бободеҳқон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидаги битта автотранспорт, Олтинсой туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидаги битта юк ташувчи трактор, Бойсун туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидаги битта автотранспорт воситаси носоз ҳолда турибди.

Бозорлардаги автоуловлардан фойдаланишда бошқача бир манзарани ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Сариосиё очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли юк ташувчи трактор воситасидан аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда фойдаланилмоқда. Аммо бир ойлик белгиланган хизмат пули атиги 2200 сўмни ташкил этади. Албатта, бу нарса транспорт воситасидан оқилона фойдаланилмаётганлигининг очиқ-ойдин аломатидир.

«Бозор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари тўғрисидаги Низомга тўлиқ амал қилинмаётир. Бу Низомга кўра бозор маъмуриятлари фючерс шартномалари асосида маҳсулот билан таъминлаб турилиши керак. Бунинг учун хўжаликлар билан шартнома тузиш керак. Гарчи шартномалар тузилган бўлсада, қоғозда қолиб кетган. Бундан ташқари маҳсулотларни сотиш учун дўконлар ташкил қилинмаган. Масалан, маҳсулотлар билан таъминлаб туриш бўйича Шўрчи туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 39 та, Узун туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 33 та шартномалар тузилган бўлса-да, лекин шу кунга қадар бу шартномалар амалда бажарилмаган. Сариосиё ва Қизириқ туманларида эса бундай шартномалар умуман тузилмаган. Шунингдек, Сариосиё, Қизириқ, Олтинсой ва Бандихон туман очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилувчи дўконлар умуман ташкил қилинмаган.

Ўз-ўзидан равшанки, биз юқорида бир-бир тилга олиб ўтган далиллар, салбий ҳолатлар ва муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Бизнинг мақсадимиз - мавжуд воқеликни шунчаки қайд этиш эмас, балки камчиликларни, то ҳануз йўл қўйиб келинаётган нуқсонларни бартараф этиш ҳамдир. Шундай экан, барчамиз якдиллик билан иш олиб бормоғимизни давр тақозо этмоқда.

Раҳматулло САТТОРОВ,
Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

СИЗ БУ ҲАҚДА НИМАНИ БИЛАСИЗ?

СУД ЖАРАЁНИ

Навбатдаги суҳбатимиз суд жараёнлари ҳақида. Шу мавзуда тўлароқ маълумот бериш мақсадида Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси Зокир Исматуллаевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

- Суд жараёни, судлов тартиблари ҳақида қисқача тушунча бериб ўтсангиз.

- Суд - жиноят фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳуқуқ ва адолат, қонун устиворлиги каби тамойилларга сўзсиз риоя этган ҳолда одил судловни амалга оширади. Умумий судларнинг қуйи босқичи бўлмиш туман (шаҳар) судлари ўз ваколатлари доирасида жиноят, фуқаролик ва маъмурий ишларни якка ва ҳайъат тартибида кўриб чиқадилар.

Ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган, қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ҳамда унча оғир бўлмаган, қасддан содир этилиб қонунда 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар қонунга мувофиқ судья томонидан якка тартибда кўрилади. Оғир ва ўта оғир жиноятлар ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар билан боғлиқ ишларни ҳайъат аъзолари, яъни биринчи босқич судида судья ва икки халқ маслаҳатчиси, Узбекистон Республикаси Олий судида уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Узбекистон Республикаси Олий судидан ташқари барча биринчи босқич судларида фуқаролик ишларини судья якка тартибда кўриб чиқади. Барча суд жараёнларида ишлар очиқ турда олиб борилади. Қонунда белгиланган айрим ҳоллардагина ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга йўл қўйилади. Улар асосан давлат сирларини қўриқлаш, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилиши билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида, жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш зарур бўлган ҳолларда ва шунга ўхшаш бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади. Суд ишларини юритишда айбланувчига, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиб, унинг ҳар қандай босқичида малакали ҳуқуқий маслаҳатлар олиш имконияти кафолатланади. Фуқаролик ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади ва улар истаган тақдирда ҳимоячи кўмагидан фойдаланиши мумкин. Суд томонидан чиқарилган ҳукм, ажрим ёки ҳал қилув қароридан бирон-бир тараф норози бўлган тақдирда улар юқори суд органларига шикоят қилишлари мумкин. Туман (шаҳар) судлари томонидан чиқарилган ҳукм, ҳал қилув қарори, қарор ва ажримлар устидан Қорақалпоғистон республикаси Олий судига, вилоят ва Тошкент шаҳар судига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар суди чиқарган ҳукм, ҳал қилув қарори ва ажримлар устидан эса, кассация тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят ва протест келтирилиши мумкин. Амалдаги қонунларга кўра, биринчи босқич судининг ҳукми устидан кассация тартибида шикоят ва протестлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 10 сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса, унга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Биринчи босқич судининг жиноят иши бўйича чиқарган ажрими устидан ҳам у чиқарилган кундан эътиборан 10 кун муддат ичида хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти беришлари, прокурорлар протест келтириши мумкин. Фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ажримлар устидан шикоят қилиш ва протест келтиришга, агар шикоят келтириш қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса, ёхуд суднинг чиқарган ажрими ишнинг илгарилашига тўсқинлик қилган ҳоллардагина йўл қўйилиб, бундай ҳаракат суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

- Ҳар қандай касбнинг ўзига яраша нозик тарафлари бўлади. Сизнинг соҳангизда энг кўп дуч келадиган қийинчиликлар нималардан иборат?

- Гапингиз тўғри. Ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари, нозик томонлари бўлади. Бизнинг соҳамизда дуч келадиган қийинчилик бу ҳар бир суд жараёнидан кейинги ҳолат бўлса керак. Чунки биз чиқарган ҳукм орқали кимларнингдир тақдири ҳал бўлади. Баъзилари суд ҳукмидан кейин мамнуният руҳи билан баъзилари норозилик ва алам туйғулари билан суд залини тарк этадилар. Энг асосийси эса, хатога йўл қўймаслик, бизнинг ишимизда ҳатто кичкинагина эътиборсизлик ҳам катта хатоликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам суд жараёни даври судья учун қанчалик масъулиятли бўлса, шунчалик соҳага алоқадор зийраклик ҳам талаб этилади. Касбимизнинг энг нозик тарафларидан бири ана шулар десам хато бўлмайди.

- Ўзингизга яхши маълум, содир қилинаётган жиноятлар асосан Қонунни, ҳуқуқларини яхши билмасликлари туфайли келиб чиқмоқда. Билиб ёки билмай қонунбазарчиликка йўл қўйган шахслар баробар жазога тортиладими?

- Тўғри, ҳуқуқни, қонунни яхши билмасликлари туфайли келиб чиқаётган жиноятлар қонунбазарчиликнинг маълум қисмини ташкил этади. Лекин амалдаги қонунларга мувофиқ жиноят содир қилиндими у жазога тортилиши зарур. Фуқароларнинг қонунни ва ҳуқуқини яхши билмасликлари натижасида жиноят содир қилиши эса, унинг айбини енгиллаштира олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро биринчи навбатда ўз ҳуқуқларини, Қонунни, Давлат ва ҳукумат қарорларини, тартибларини ҳар доим ўрганиб, ўзлаштириб бориши шу куннинг асосий талабларидан бирига айланган.

- Бу йўлда мамлакатимиз миқёсида ҳуқуқий тарғибот ишлари кенг жамоатчилик билан биргаликда амалга оширилмоқда. Айтингчи, ҳуқуқий тарғибот масалалари бўйича муштарийларимизга қандай таклиф ва фикрлар билдирасиз?

- Оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқ ва қонунларнинг кенг омма онгига сингдириб борилиши жуда қувонарли. Шу ўринда ҳуқуқий билимлар, қонунларни ўз ичига олган мактаб дарсликлари, уларнинг ҳам ҳуқуқ ва меъёрлари белгиланиб қилиш ва протест келтиришга, арар шиноят берилган мактаб дастурлари ишлаб чиқилса нур устига аъло нур бўлур эди. Чунки келажак авлодларимиз ҳар тарафлама етук ва баркамол бўлиши, шунингдек ҳуқуқий билимларни чуқур эгаллаган бўлишлари зарур. Ҳар қалай улар эртанги турмушимизнинг пойдеворлари. Суд жараёнларини очиқ тарзда оммавий ахборот воситалари орқали вақти-вақти билан бериб борилса менимча тарбиявий, ахлоқий маънода катта мактаб вазифасини ўтаган бўлур эди. Чунки суд жараёнлари жамиятимиз қонунларининг бузилишига йўл қўйган шахсларнинг хатоларини қонуний тарзда тартибга солиб жазога тортилишини ҳаётий мисолларда кўриб чиқади. Бу эса, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Дилором КАРИМ қизи,
«Ишонч» мухбири.



Агросаноат мажмуи ходимлари Сариосиё туман касаба уюшма қўмитаси туман Давлат солиқ инспекцияси бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Булар албатта ўзининг ижобий самарасини бермоқда, турли тушунмовчилик ҳолатларининг олдини олишга ёрдамлашаётир.

Суратда: туман касаба уюшмалари кенгаши раиси Баҳодир Раҳмонов ва туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи касаба уюшма қўмитаси раиси Саидқул Бобожонов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

ҲАР КИМГА УЙ НАСИБ ЭТСИН

Дунёнинг ишлари ғалати: дуппа-дуруст яшаб келаётган эр-хотин ёки ота-бола ёхуд ака-укалар ўзаро келиша олмай қолади-ю, уй-жойини бўлиб олишга киришадилар. Бундан ташқари, низоли уйларга кириб олганларнинг сонини айтмайсизми? Бу каби муаммолар албатта суд ҳукми билан ечилиши лозим. Шундай экан, республикамиз шаҳар ва туманлари судлари уй-жой ҳусусидаги низоларни кўриш юзасидан қандай ишларни амалга оширмоқда? Биз мазкур савол билан Самарқанд вилояти прокурорининг ўринбосари Шуҳрат Сатторовга мурожаат қилдик.

- Инсоннинг кайфияти ва бахтли турмуши бевосита унинг хонадони билан боғлиқдир. «Ҳовли олма қўшни ол», «Гилам сотсанг қўшнингга сот - бир четида ўзинг ўтирасан», «Ерни сотган элни сотар» деган нақллар бекорга айтилмаган. Шу сабабли уй-жой муаммоларини ўз вақтида ва одилона ҳал этиш катта аҳамиятга эга. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фуқаролик ишларининг айнан шу қисмини кўриб чиқиш жуда мураккаб. Чунки бу масала қонунда ёзилмаган инсоний муносабатлар билан ҳам боғланиб кетган. Мен эр-хотин ва бошқа қариндош-уруғларнинг жаҳл чиққанда юзага келадиган муносабатларини назарда тутган ҳолдан келиб чиқмоқчиман.

Аммо, судья ва прокурор ҳар қандай вазиятда ҳам масалага жиддий ва одилона ёндошиши лозим.

Ўтган йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, бунда 100 дан ортиқроқ шу мавзудаги низоли ишларни таҳлил қилганимизда судьялар ва бу ишларда бевосита иштирок этган прокуратура ходимлари асосан тўғри йўл тутганликларини кўрамиз.

Фикримизни бир мисол билан тўлдирмоқчиман: Фуқаро Э.Ризаев вилоят прокуратурасига ёзган шикоятида Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани прокурори уни оиласи билан Беруний кўча 16 «А» уйнинг 4-хонадонидан кўчириш ҳақида нотўғри санкция берганини айтган. Биз шикоят бўйича текшириш ўтказганимизда шу нарса маълум бўлдики, Э.Ризаев мазкур уйга ўзбошимчалик билан кириб олиб яшаб юрган экан.

Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, корхона ва ташкилотлар томонидан тегишли шахсларга уй-жой тақсимлаш бўйича ҳам нотантиликлар содир этилмоқда.

«Самарқандсув» хўжалиги иншоотларини лойиҳалаш институти маъмурияти ва касаба уюшмаси ўтган йили тўрт кишидан иборат ишчи-ходимга уй ажратган. Текшириш ва назоратда маъмурият ва касаба уюшмаси бу тўрт нафар ходимнинг яшаш шароитини ҳисобга олмаганлиги ва бу масала ўзаро келишилган ҳолда ҳал қилинганлиги аниқланди. Боғишамол туман прокурори томонидан мазкур қарор бекор қилиниб, институт раҳбари ва касаба уюшмаси қўмитаси раисига нисбатан маъмурий чора қўлланилди.

Уй-жой хусусида келиб чиқадиган масалалардан яна бири - айрим такаббур шахсларнинг уйли-жойли бўлиб қолиш учун ўйлаб топаётган найрангларидан иборат. Самарқанд туманидаги Газчилар қўрғонида истиқомат қилувчи эр-хотин Елена Шодиева ҳамда К.Шодиевлар худди шу йўлни тутишган. Улар ўрталаридаги никоҳни бекор қилишиб, 3-уйнинг 11-хонадонини хусусийлаштириб олишган. Орадан маълум вақт ўтгач, улар қайта «ярашиб» оладилар ва уйни бошқа бир оилага ижарага бериб, эр-хотин К.Шодиевга қарашли уйда яшашган. Бугунга келиб Елена эри билан уришиб қолгани учун ижарада турган А.Аверкиннинг уйдан чиқиб кетишини сўраган. Хуллас, жанжаллашган эр-хотиннинг ҳар иккаласи ҳам уйлик бўлиб қолмоқчи бўлган.

Судларда ҳам мазкур масалада камчилик ва хатоларга йўл қўйилмоқда. Каттақўрғон шаҳар суди шаҳар коммунал қурилиш бошқармасининг фуқаро М.Раҳмоновани бошқармага тегишли уйдан чиқариш ҳақидаги даъво аризасини кўриб чиқишни мана бир йилдан кўп вақтдан бери пайсалга солмоқда.

Суҳбатимизнинг мухтасарида фуқароларимизга яхши бир ният билдирмоқчи эдим.

«Ҳар кимга уй насиб этсин, қонуний ва шахсий уй!»

Суҳбатдош:
Маҳбуба ҲАЙИТОВА,
«Ишонч» мухбири

СОЛИҚДА БИЛИМДОНЛАР ИШЛАЙДИ

Яқинда Навоий вилоят Давлат Солиқ бошқармасида вилоят солиқ идоралари ходимлари ўртасида «Билимдонлар беллашуви» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад-республикамизда олиб борилаётган солиқ сиёсатини тўғри амалга ошира бориш, солиқ муносабатларини шакллашиши ҳамда муносабатлар жараёнида юзага келган муаммоларни ўз вақтида тўғри ҳал эта билиш албатта солиқ идоралари ҳар бир ходимининг касб тайёргарлигига боғлиқдир.

Кўрик-танлов икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда шаҳар, туман ва бошқарма ходимлари ўз касб маҳоратлари бўйича куч синашдилар. Бунда 27 ходим ғолиб чиқди. Иккинчи босқичда эса асосий ғолиблар аниқланди. Навоий шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлими нозири Низор Эргашев ва шу инспекция бошлиғининг муовини Акбар Ҳамидовлар ғолиб деб топилдилар.

Ғолибларга давлат муассасалари ходимлари вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг бўлим мудири Шоира Нурова эсдалик совғалари топширди.

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ,
Навоий вилояти.



Саволларга Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

Ёшлигимдан 1 гуруҳ ногирониман, ҳозир ёшим 28 да. Аввал бироз юрардим кейинчалик дард енгиб бутунлай нотавон бўлиб қолдим. Қанча даволанмай фойдаси бўлмади. Шу сабабли онам ҳеч жойда ишламасдан менга қарайдилар. Мен 1400 сўм нафақа оламан. Оиламиз катта. Қонунда менга қараганлиги учун онамга ҳам бирор бир имтиёзлар борми?

Илтимосига кўра шахси ва манзили кўрсатилмади.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларни давлат пенсия таъминоти ҳақида»ги қонуннинг 17-модда «Д» кичик бандига мувофиқ онангизнинг (ёки бошқа шахснинг) сизга қараган барча даври иш стажи деб тан олинади. Сиз I гуруҳ ногирони экансиз. Ёшингиз 28 да экан. Шундан агар 20 йили сизга қарагани учун сарфланган бўлса, онангиз юқорида қайд этилган қонуннинг 12-модда «З» кичик бандига асосан 50 ёшдан қарилик пенсиясига чиқиши мумкин.

* * *

31 йилдан буён алоқа бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаб келдим. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

Турсунқул ЭШМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Оққўрғон жамоа хўжалиги

Хат ташувчиларга (почтальонларга) имтиёзлар бор, бироқ алоқа бўлими бошлиқларига қонунда имтиёзлар назарда тутилмаган.

* * *

Иш фаолиятимга 30 йил тўлди. 1974 йилдан буён қишлоқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўқитувчиларнинг имтиёзли пенсияга чиқиш имкониятларидан фойдаланишга ҳаққим борми?

Хоразм вилоят ижтимоий-таъминот бўлими ходимлари мактабда директорлик қилган давингиз умумий стажга киради деб имтиёзли пенсияга рухсат беришмади. Шу тўғрими?

Омонбой ТЎҚЛИЕВ,
Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Ширинқўғирот қишлоғи.

1994 йили 12 майда Вазирлар Маҳкамасининг 250-сон қарори билан тасдиқланган имтиёзли равишда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи корхоналар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатида (3-рўйхат, XXXV бўлим, VII-қисм) бир қатор маориф ходимлари кўрсатилган. Аммо мактаб директорлари бу рўйхатга киритилмаган.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ижтимоий-таъминот бўлими ходимлари Сизга тўғри жавоб беришган.

«Ишонч» мақолалари изидан

МУАММО ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ?

Газетхонларимизнинг ёдида бўлса керак, «Ишонч»нинг ўтган йилги ва ундан олдинги йиллардаги сонларида Наманганда транспорт қатновида қийинчиликлар вужудга келаётганлиги, айниқса, троллейбус қатновидан кўплар норозилиги, бу борадаги муаммоларни ҳал этишга етарли эътибор берилмаётганлиги хусусида танқидий чиқишлар қилинган эди. Бугунга келиб бу борадаги аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Бозор муносабатларига ўтиш босқичи келтириб чиқараётган айрим етишмовчиликларга қарамасдан одамлар аввалгидек, бекатларда ортиқча транспорт кутиб қолишмаяпти.

Яқинда бир бекатда шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдик. Йўлкадан оҳиста юриб келишаётган икки отахон шундоқ йўл бўйидаги ўриндиққа ўтиришди-да, шаҳарда транспорт қатнови мавзуида фикрларини ўртоқлаша бошладилар.

- Меҳмонлигим учун мақтаётганим йўқ, аммо сизларда транспорт қатнови анча тартибли экан,-деди кўзойнак таққан оқсоқол ўриндиқ, четига туташиб кетган бекат томонга имо қилиб.- Автобусу троллейбусларнинг узлуксиз келиб туришлигини қаранг. Бизда бунчалик эмас. Баъзан тоқатингиз тоқ бўлиб ончамунча жойга пиёдалаб кетворасиз. Троллейбус қатновидан жуда кўнглим тўлди. Биттаси ўрнидан жилиши билан иккинчиси пайдар-пай келиб турибди. Раҳбарларнинг отасига раҳмат-е, шунчалик йўлга қўйса бўлар экан-ку!

Мезбонлиги сезилиб турган отахон маъқуллади:

- Очиғи, бир йил-ярим йил олдин бизда ҳам жуда ончалик мақтайдиган даражада эмас эди. Лекин кейинги пайтларда вилоят ҳокимлигимиз ҳам, шаҳар ҳокимлиги ҳам бу соҳадаги муаммоларни бартараф этишга аҳамиятни кучайтиришди. Троллейбус бошқармамиз директори Маматхон Мамадалиев изланувчан, тиниб-тинчимайдиган йигит чиқиб қолди. Кўпинча троллейбус шахобчаси узилган ёки бирон ишкал юз берган жойда шахсан ўзининг жон куйдириб юрганлигини кўрасиз.

Ҳақиқатан отахонларнинг гапларида жон бор эди. Кейинги йилларда бу транспорт тури хизмати талабга жавоб бермасдан қўйди. Унинг ишидан кўнгил тўлмай қолди. Ҳар хил шикоятлар кўпайди. Улар асосида тегишли идоралар иштирокида рейдлар, текширишлар уюштирилди. Газеталарда, радио ва телевидение кўрсатувларида танқидий чиқишлар қилинди. Ҳатто, бу тур транспорт шаҳар учун аслида кераксиз, беҳудага одамлар асабини бузгандан кўра шахобчаларни йиғиштириб қўя қолган дуруст эмасмикан, деган овозлар ҳам эшитилганлиги сир эмас.

Зеро, бундай нохуш гаплар айтилганлиги беҳудага эмасди. Негаки, юз-икки юз қадам юрмасданоқ гоҳ сими узилиб кетиб кўчанинг ўртасида кўчма ўйдек қаққайиб соатлаб туриб қолар, оқибатда ҳаракат хавфсизлигига путур етар, баъзан эса машинанинг ишкали чиқар, бундай пайтларда пул тўлаб қўйиб нима қилишларини билмасдан сарсон бўлганларнинг ҳолатини кўз олдингизга келтиринг! Хўш, шундай бўлишига қарамасдан бугунги кунга келиб ҳаракатланишнинг маромга тушаётганлиги, эътирозларга барҳам берилиб йўловчилар талабини қондиришга муваффақ бўлинаётганлиги боиси нима? Биз ушбу саволларга жавоб топиш учун бошқармада бўлдик.

- Аҳволимизни очиқ эътироф этганда унча мақтанарли даражада, деб айтиш қийин,- дейди суҳбатда бошқарма раҳбари Маматхон Мамадалиев.- Бошқармамиз техника сақлаш саройидаги мавжуд машиналарнинг ярмига яқинини ишлата олмаяпмиз. Ёки аниқ ифодалаганда мавжуд 41 та троллейбусдан 23 таси юряпти холос. Қолган 18 таси жиддий бузуқлиги, техника қисмларининг етишмаслиги ва бошқа сабабларга кўра бекор турипти. Ишлаётганларининг ҳам хизмат қилаётганлигига 8-10 йил бўлаяпти. Холбуки, корхона кафолати 9 йил муддатга белгиланган холос. Уларнинг тенг ярми жиддий таъмирлашга мухтож. Шунга қарамасдан жамоа кейинги икки йил ичида транспорт қатнови изчиллигини таъминлаш борасида бирмунча тадбирларни амалга оширди. Ўзимиздаги мавжуд имкониятларни қидириб топиб ишга солиш йўлида катта ишлар қилинди. Биз биринчи навбатда пойтахтдаги ва бошқа вилоятлардаги ҳамда Украина ва Қозоғистондаги хамкасбларимиз билан алоқаларни кучайтирдик. Машиналарни қайта тиклаш, улар учун заҳира қисмлар тайёрлаш, ишдан чиққанларига иккинчи умр бахш этиш борасида бир мунча тажрибалар тўпладик. Қолаверса, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари шаҳар аҳолиси оғирини енгил қилиш борасидаги интилишимизда бизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватладилар. Ана шундай ёрдам ва қўллаб-қувватлаш туфайли электр тузатиш тармоқларининг энг носоз деб топилган 2,5 километрига янгидан симлар тортилди. Умуман, 35 чақирими жиддий таъмирланди. Кўриниши ва техник ҳолатидан кўнглимиз тўлмаган машиналар қўлдан ўтказилди ёки техник жиҳатдан созланишидан ташқари ўриндиқларидан бошлаб дераза ойналаригача янгиланди. Бу эса саройимизга қарашли троллейбуслар кўринишини бутунлай ўзгартириб юборди. Шунингдек, биз ҳайдовчиларни қайта тайёрлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Уларни Тошкентда малакаларини оширишларига эришиш билан бир қаторда бошқа шаҳарларда илғор ҳайдовчилардан тажриба ўрганиб қайтишлари учун шароит яратмоқдамиз. Булардан ташқари ишлаб чиқариш илғорининг иш усулларини оммалаштириш ҳам ҳаракат режамизда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда аъло даражадаги меҳнат фаолияти билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлаётган Исмоил Маҳмудов, Қосимжон Султонов, Боқижон Дадабоев, Содиқжон Нормирзаев кабиларнинг иш усуллари кенг оммалаштириляпти. Улар ўтган мустақиллик байрами арафасида вилоят ҳокимлигининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотландилар.

Машиналаримизнинг бетўхтов юришлигини таъминлашда эса Иброҳимжон Арслонов, Иброҳимжон Бўтабоев, Аҳмаджон Эгамбердиев, Ғайрат Фозиловлардан ташкил топган таъмирлаш бригадамиз жамоаси ҳамиша хизматга шай.

Шу билан бир вақтда биз ҳайдовчиларимиз ўртасида доимо тушунтириш тарбиявий ишларини олиб борамиз. Уларга одамлар билан ишлашлигимизни, тилимиз ширин, муомаламиз илиқ бўлишлигини, ҳалол пок юришлигимиз лозимлигини уқтириб борамиз. Давлат ва элюрт ҳақига ҳиёнат қилаётганларга раҳм-шафқат қилинмаслигини қулоқларига қуямиз. Вақти-вақти билан назорат тафтиш гуруҳимиз аъзолари ҳайдовчилар фаолиятини текшириб борадилар. Шу йилнинг ўзидагина ана шу талабларни унутган тўрт ҳайдовчи жамоа ўртасида муҳокама қилиниб кўпчилик талабига биноан ишдан бўшатилди.

Маматхон Мамадалиев троллейбус ҳизматининг келажаги хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

- Ишларимизда муаммолар етарлик бўлишига қарамасдан уларни маҳаллий ҳокимиятлар кўмагида қадамбақадам бартараф этиб бормоқдамиз,-дейди бошқарма бошлиғи хайрлашишимиз олдидан.- Янгидан Украинадан 3 та машина сотиб олиш учун ҳаракат бормоқда. Заҳира қисмларни топиб келишни янада яхшилаш чоралари кўрилаяпти. Шу йил охиригача вилоят марказини Тўрақўрғон шаҳри билан боғловчи троллейбус шахобчасини тортилишига эришиш мўлжалланмоқда. Келгусида аҳоли энг тиғиз истиқомат қиладиган Уйчи тумани марказигача ҳам бу тур транспорт шахобчасини улаш кўзда тутилмоқда ва бу йўналишдаги лойиҳалаш ишларини бошлаб юбориш арафасида турибмиз. Хуллас, шу нарсани дадил айтишимиз мумкинки, деди суҳбат охирида М. Мамадалиев, троллейбус хизмати вилоятимизда кескин ривож топади, аҳолининг транспортга нисбатан эҳтиёжини тўлароқ қондирилиши учун жамоамиз бор куч ғайратини ва имкониятларини ишга солади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Дам олиш масканларида

ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚЧИМИСИЗ? «АВТОМОБИЛЧИ»ГА КЕЛИНГ



Суратда: бош шифокор Мирзабой РЎЗМЕТОВ

Автомобиль-транспорт экспедиция комбинати-АТЭК акциядорлик жамияти ҳовлисига кирган кишининг корхона ҳудудига туташиб кетган боққа ва у ерда қад кўтарган тўрт қаватли бинога кўзи тушмай қолмайди. Боғ хилма-хил мевали ва манзарали дарахтлари билан катта ҳудудга кўрк бағишлаб турибди. Бу АТЭК АЖнинг «Автомобилчи» санаторий-профилакторийсидир. Уни Тошкент шаҳар касаба уюшмалари қўмитаси ва АТЭК акциядорлик жамияти маблағ билан таъминлаб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туради.

Айтишларича, санаторий кулоч ёзган ҳозирги ҳудуд илгари ўнқир-чўнқир жарлик ахлат тўкиладиган жой бўлган экан. Кўпчиликнинг ғамини ейдиган, ташаббускор, савобпараст одамларнинг саъй-ҳаракатлари билан жарлик устига юзлаб машинада минг-минглаб куб метр тоза тупроқ тўкилиб, текисланиб кенг ҳудуд бунё этилди, сўнгра ўша жойда боғ яратишга қарор қилинди. Ахлатхона ўрнида боғ барпо этиш ташаббуси билан чиққан биринчи киши ТошАТЭК корхонасининг ўша вақтдаги директори Собир Халилов бўлди. Ҳикоя қилишларича, у киши ободончиликка жуда қизиққан, янгиликка ўч, одамларга ғамхўр раҳбар бўлган. Яхшиларнинг ташаббуси кўпчиликнинг қўллаб қувватлаши билан 1986 йили ободонлаштирилган ерда автотранспортчилар учун пансионат ташкил этилди. Кейинчалик у санаторий-профилакторийга айлантирилди. Бунда АТЭК акциядорлик жамиятининг бугунги кундаги бош директори Қаҳрамон Рашидович Оқбоевнинг ҳам хизматлари катта, албатта.

«Автомобилчи» санаторий-профилакторийси бугунги кунда нафақат автотранспорт ходимларининг, балки уларнинг оила аъзоларининг ҳам севимли оромгоҳи ва даволаниш маскани бўлиб қолди. Қишин-ёзин хизмат кўрсатадиган бу гўшада ҳар йили юзлаб кишилар ўз даромадларига шифо топишиб, ҳордиқ чиқаришиб, куч-қувватларини тиклашиб, оилалари, корхоналари қучоқларига шодон қайтишади.

Санаторий-профилакторийда асосан асаб, ошқозон-ичак, юқори нафас йўллари, сийдик йўллари касалликлари даволанади. Бу ерда беморларга физиотерапия муолажалари: электрофарез, ультратовуш, электр массаж (уқалаш)и, дарсенвал, УВЧ (ультра юқори тебраниш), инфранур, нина билан даволаш ва бошқа хил усуллар мавжуд.

Оромгоҳда сув билан муолажа қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Аввало бу маскан сўлим анҳор ёқасида жойлашган. Табиий сув терапиясидан улкан завқ-шавқ ола биладиганлар қишин-ёзин анҳорда чўмилишиб, мазза қилиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Бундан ташқари, даволанувчилар инжу дур (жемчужная-кислородли) ванна, ҳар хил тузли ваннаолар, айланма душ, зарбали сув (шарко) души, сув ости уқалаш (массаж)ининг шифобахш имкониятларидан фойдалана оладилар. Танқислиги ва қимматлигига қарамай, зарурат, эҳтиёж бўлган тақдирда беморларга турли хил дори-дармонлар ҳам бериб турилади.

Санаторий-профилакторийда самарали даволаниш билан бирга мириқиб маданий ҳордиқ чиқариш учун қулай имконият ва шароит яратилган. Ётоқ хоналари 2 ва 3 кишига мўлжалланган. Дам олувчилар учун 3-ва 4-қаватларда видеозаллар ташкил этилган. Ҳаваскор ва профессионал артистларнинг концертларини уюштириш анъанага айланиб қолган. Ҳовлидаги ҳовузлар уфуриб турадиган салқин ҳаво,суҳбатгоҳ (беседка)ларнинг шинамлиги ҳам дам олувчиларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилади.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ва АТЭК ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг ғамхўрлиги ва саховатлилиги туфайли бугунги иқтисодий қийинчилик шароитига ҳам санаторий дастурхонининг анча тўкин-сочинлиги дам олувчиларни хушнуд этмоқда. Ҳар ҳолда шикоят қилишга ўрин йўқ, шукур қилса арзийди.

Дастурхоннинг маълум даражада тўкислигига, бир томондан, юқорида номлари тилга олинган ташкилот ва корхонанинг хайру саховати, иккинчи томондан, бу ерда ёрдамчи хўжаликнинг ташкил этилганлиги сабаб бўлмоқда. Ёрдамчи хўжаликнинг иссиқхонаси, балиқ ўстириладиган ҳовуз, қорамоллар боқиладиган чорва фермаси бор. Ушбу хўжаликда етиштирилаётган помидор, бодринг, лимон ва кўкатлар дам олувчилар дастурхонларидаги севимли неъматлар бўлиб қолди. Озиқ-овқат маҳсулотлари бир қисмининг ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётганлиги туфайли даволанувчиларнинг овқатланишлари анча арзонга тушмоқда.

Биз санаторий-профилакторийдаги шароит билан яқиндан танишиш мақсадида дам олувчиларнинг ўзлари билан суҳбатлашишга аҳд қилдик.

- Тошкентнинг бир чеккасида, Кўйлиқ даҳасида, мана шундай ажойиб шифоланиш, ва дам олиш маскани борлигидан шунча вақтдан бери бехабар юрганимдан афсусдаман,- деб тан олди пойтахтдаги 2-автокомбинат муҳандиси Тўлқин Жўраев. - Ошқозон-ичак касали билан келгандим. Оёқ-қўлларимда ҳам оғриқ бор эди. Ҳар хил ванна ва душларнинг самараси яхши сезилаяпти. Ҳамширалар хизматидан хурсандман. насиб қилса, бундан кейин ҳам шу ерга келавераман.

Меҳнат фахрийси, 74 ёшли Раҳим ота Умрзоқов ҳам «Автомобилчи»даги яхши шароитдан, медицина хизматидан, врач-ҳамшираларнинг меҳрибонлигидан миннатдор бўлиб гапирди.

Фақат уларгина эмас, бошқа суҳбатдошларимиз ҳам врач Т.И.Бондарева, ҳамширалар Дилбар Йўлдошева, Александра Афонченко, Дилором Пирматова, Муҳаббат Қурбоналиева ва бошқаларнинг самимий хизматларидан мамнун бўлишиб, уларни дуо қилдилар. Беш йилдан буён бу масканда бош шифокорлик лавозимида ишлаб келаётган Мирзабой Рўзматов эса аҳил ва меҳнаткаш жамоага бош-қош бўлиб, санаторий ишининг, врач-ҳамширалар фаолиятининг янада яхшиланишига ўз иссасини қўшиб келмоқда.

«Автомобилчи»да дам олиш ва даволаниш учун яхши шароит яратилганлиги туфайли бу ерга автотранспорт ходимларидан ташқари бошқа тармоқ ходимлари ҳам келишиб, унинг хизматидан баҳраманд бўлишаяпти. Мана, юртимизда яна иссиқ кунлар бошланди. Кимдир дам олиш, кимдир даволаниш учун санаторийларга, оромгоҳларга йўлланмалар олиш ҳаракатига тушиб қолди. Газетхон биродар, Сиз ҳам даволанмоқчи, мириқиб ҳордиқ чиқармоқчи бўлсангиз, марҳамат ҳеч иккиланмай «Автомобилчи» санаторий-профилакторийсига келаверинг. Адашмайсиз. Афсуслан-майсиз.

Абдураим ОТАМЕТОВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистонда «Миллий бирдамлик куни» муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди. Яқиндагина бир-бирларига қурол ўқталган кишилар энди бир дастурхон атрофида йиғилдилар. Байрам тантанасида сўзлаган республика Президенти И.Раҳмонов, ниҳоят тинчликка эришилганлигини, бу неъмат қийинчиликлар эвазига келганлигини, қимда-ким бу ишга ҳалақит берса у шахс миллат ҳоини эканлигини айтган. Муҳолифат лидери Нурий жаноблари эса, ҳарбий ва сиёсий масалалар тез кунларда ҳал этилишига умид билдирди.

***

Тожикистон чегаларини кўриклаётган Россия аскарлари Қозоғистондан ўтаётган икки кишини отиб ўлдирганлар. Уларнинг яна иккитаси аср олинган. Тинтув қилинганда чегара бузувчиларнинг ёнидан тўрт килограмм героин топилган.

***

Исроил саноат вазири Натан Шаранский Марказий Осиё республикалари бўйлаб амалий сафарини бошлади. Унга катта экспертлар гуруҳи ҳамроҳлик қилмоқда. Делегация Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда бўлади. Ушбу ташрифдан мақсад давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришдан иборат. Исроил бу давлатларга агротехника, энергетика, телекоммуникация соҳаларида ёрдам берса, бу мамлакатлар Исроилга нефть, газ, таркибида темир бўлмаган металл ва бошқа хомашёларни етказиб беради.

***

Қозоғистонда қандли диабет касаллари учун энг зарур бўлган инсулин етишмаганлиги сабабли Кустанай ва Мангишлокнинг ўзида олти киши вафот қилган.

***

Россия Президенти Б.Ельцинни аввал берилган хабарларга кўра 1-3 июль кунлари Қозоғистонга келиши мўлжалланган эди. У бу ерда Хитой, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон давлат бошлиқларининг йиғилишида қатнашиши лозим эди. Аммо Б.Ельциннинг матбуот котибининг айтишича, Россиядаги ҳозирги иқтисодий ва сиёсий аҳвол бу сафарни амалга оширишга имкон бермайди.

***

Қозоғистон мустақиллиққа эришгандан бери 60 мингдан ортиқ қозоқлар Мўғилистондан ўз Ватанларига қайтиб келганлар. Бироқ кейинги пайтда келувчилар оқими 1991 йилга нисбатан сезиларли камайган. Би-Би-Си радиосининг хабарича, бунга сабаб Қозоғистондаги ҳозирги иқтисодий аҳвол. Маълум бўлишича, Монголия парламентида қозоқ миллатига мансуб уч депутат бор, раҳбарлар ҳам талайгина, ҳатто Монголиянинг Мисрдаги элчиси ҳам қозоқлардан.

Дунё ва биз

АМЕРИКАНИ БИЛАСИЗМИ?

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ҚАМРОВЛИ СИЁСАТДИР

Сиёсат бобида ҳам улар кенг феъллилик билан, ўзига хос муносабатда бўлишади. Бу ўринда Американинг биринчи хоними ташрифи ўлароқ, мамлакатимизда у давлат билан муносабатларимизнинг янги тонги отди, дейиш мумкин.

Истиқлолимизнинг илк йилларида дунё Ўзбекистон ҳақида кўпинча Россия оммавий-ахборот воситалари орқали хабардор бўларди. У ердаги айрим матбуот нашрлари эса ғараз билан Ўзбекистонда кам сонли халқлар ҳуқуқлари камситилаётганлиги, диний эркинликлар бўғилаётганлиги ҳақидаги ўйдирмалар билан жаҳон жамоатчилигини чалғитишга уринарди. Ҳайриятки, бундай бўҳтонларнинг умри қисқа экан.

Дунё мамлакатимизни ўз кўзи билан кўриш имкониятига эга бўлди. Щу маънода Хиллари хонимнинг «Мусулмонлар, христианлар ва яҳудийлар ёнма-ён ҳолда ўз динларига эътиқод қилар экан. Бу одат жуда кўп асрлардан буён давом этиб келаётгани алоҳида таҳсинга сазовордир», деган сўзлари АҚШ юртимиздаги бу ҳақиқатни Хиллари Клинтон сиймосида кашф қилди, дейиш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд шаҳри жамоатчилиги билан учрашувда сўзлаган нутқида Ўзбекистон-Америка муносабатлари ҳақида сўз юрита туриб шундай дедилар: «Биз протоколга риоя қилишга ҳаракат қиламиз албатта, лекин протоколлар очиқ қалблар ўртасига тўсиқ бўлмаслиги керак».

Ҳақиқатан ҳам, бугун Ўзбекистон қалби дийдору дўстлик бошлаб келган ҳар бир инсон учун очиқ. Ўзбекистон остонасига қадам қўйган ҳар бир киши, аввало, унинг ҳалқи қалбига кўз ташлайди. Ўзбекнинг қалби эса... қалби бор одамларни тўлқинлантирмасдан, юрагидаги борини гапиртирмасдан қўймаган. Бу юртимизда кашф қилиниши мумкин бўлган энг эъзозли қадриятдир.

«ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» САРИ ОЙДИН ЙЎЛ

Давлат тараққиёти ва уни жаҳонга ибрат қилиб кўрсатишда матбуот катта ва муҳим роль ўйнайди. Ҳозирда АҚШда 20 минг номда газета, 10 минг номда журнал нашр этилади. Улар алоҳида соҳаларга ва йўналишларга бағишланган. Даврий матбуот кундалик, ҳафталик, ойлик, квартал ва якшанбалик (кундалик) сифатида чоп қилинади. АҚШда телевидение, радио ҳам ривожланган. У ерда уч монополияга эга телеканал бўлиб, улар Эй-Би-Си, Си-Би-Эс ва Эн-Би-Си тармоқларидир. Эй-Би-Си (Американ Бродкоснинг Корпарейшн)да 100 дан ортиқ телестанция ишлайди, унда 10 мингга яқин ходим фаолият кўрсатади. Си-Би-Эсда 300 га яқин телестанция бўлиб, 15 минг ходим ва Эн-Би-Сининг 250 телестанциясида 12 минг ходим хизмат қилади. АҚШнинг энг йирик радиокорпорацияси Ар-Си-Эйда 60 мингдан ортиқ ходим ишлайди.

Америкада оммавий ахборот воситаларига кандай таъриф берилади: «одамларга фактларни билиш имконини беринг, натижада бутун мамлакатда осойишталик ҳукм суради». Умуман олганда, тараққиёт, жаҳон цивилизацияси сари йўл тутган мамлакатларда эркинлик, озодлик, истиқлол ва унинг мафқураси, ҳурфикрлилик равнақ топаверади. Шундай бўлган тақдирдагина келажак - истиқбол, жаҳон мезони талаблари кўзга ташланади.

Америка матбуотининг мустақиллиги ҳақида гап кетганда молиявий ва сиёсий эркинлиги муҳимдир. Бунда биринчи - молиявий бойишда реклама катта роль ўйнайди. Реклама ҳар қандай газета ва журналнинг моддий маблағини оширади. Бу жиҳатдан америкача усул намуна бўла олади. Мисол учун, «Нью-Йорк таймс» газетаси якшанба кунлари 16, 32 ҳатто 48, 64 саҳифагача нашр қилинади. Аксарият материаллар реклама-таҳририят учун кирим-тушум! Эркинлик ва ҳурфикрлик газеталаримиз ва журналларимизни демократик ҳуқуқий давлат қуришимизга хизмат қилдирмоқда. Америкада бу жараён, яъни сиёсий қарамлик, ҳукмронлик бўлмаганлиги билан ажралиб туради. тўғри, Америка ОАВ давлат бошқаруви ишларига, умумий юрт тараққиётига демократик йўсинда аралашуви билан ҳам халқчилдир.

Жаҳоннинг учдан икки қисми давлатлари демократик анъаналарга риоя қилади, ОАВ ҳам. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, АҚШда бу борада демократик ва танқидий фикрларни ўрганадиган, сўнгра газета саҳифаларида чоп қиладиган шарҳловчини ёллайди. Ёки фуқаролар кенгашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари матбуотда ёритилиб, жамият бошқарувида муҳим ўрин тутади, баъзан шу асосда қарорлар қабул қилинади.

АҚШ матбуоти жамият тараққиёти учун ҳаққоний маълумотларни тақдим қилаолмас экан, эркин журналист ёки газета-журнал инқирозга учраши шак-шубҳасиз. Жорж Вашингтон ҳам, «шундай мукаммал тушунчалар ўрнатайки, токи ақлли ва ҳалол одамлар уларни янада такомилига етказсин», деганда «мукаммал тушунчалар» ижодкори ва соҳиби демократик журналистлар бўлишини назарда тутган эди.

Каримжон НОРМАТОВ.

Спорт

«ФРАНЦИЯ-98»

Франция майдонларида ўтаётган 16-жаҳон чемпионатининг гуруҳлардаги саралаш учрашувлари тугади. Ўз гуруҳларида 1,2-ўринларни эгаллаган командалар нимчорак финал беллашувларида иштирок этмоқдалар. Саралаш баҳсларида терма жамоалар якуний жадвалдан қуйидагича ўрин олдилар.

«А» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
БРАЗИЛИЯ	3	2	0	1	6-3	6
НОРВЕГИЯ	3	1	1	1	5-4	5
ШОТЛАНДИЯ	3	1	1	1	5-5	4
МАРОКАШ	3	0	1	2	2-6	1

«В » гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
ИТАЛИЯ	3	2	1	0	7-3	7
ЧИЛИ	3	0	3	0	4-4	3
АВСТРИЯ	3	0	2	1	3-4	2
КАМЕРУН	3	0	2	1	2-5	2

«С»гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
ФРАНЦИЯ	3	3	0	0	9-1	9
ДАНИЯ	3	1	1	1	4-4	4
ЖАР	3	0	2	1	3-6	2
САУДИЯ АРАБИСТОН И	3	0	1	2	2-7	1

«Д» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
НИГЕРИЯ	3	2	0	1	5-5	6
ПАРАГВАЙ	3	1	2	0	3-1	5
ИСПАНИЯ	3	1	1	1	8-4	4
БОЛГАРИЯ	3	0	1	2	1-7	1

«Е» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
МЕКСИКА	3	1	2	0	7-5	5
ГОЛЛАНДИЯ	3	1	2	0	5-2	5
БЕЛЬГИЯ	3	0	3	0	3-3	3
Ж.КОРЕЯ	3	0	1	2	2-9	1

« Ж» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
АНГЛИЯ	3	2	0	1	5-2	6
РУМИНИЯ	3	2	1	0	4-2	7
КОЛУМБИЯ	3	1	0	2	1-3	3
ТУНИС	3	0	1	2	1-4	1

«F» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
ГЕРМАНИЯ	3	2	1	0	6-3	5
ЮГОСЛАВИЯ	3	2	1	0	4-2	7
ЭРОН	3	1	0	2	2-4	3
АҚШ	3	0	1	2	2-5	1

«Н» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
АРГЕНТИНА	3	3	0	0	7-0	9
ХОРВАТИЯ	3	2	0	1	4-2	6
ЯМАЙКА	3	1	0	2	3-9	3
ЯПОНИЯ	3	0	0	3	1-4	0

Ним чорак ўйинлари 27 июн куни бошланган эди. Жаҳоннинг тўрт карра чемпиони Бразилия терма жамоаси футболчилари Чили терма командасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. 1934-38 ва 82-йилларда олтин маъбудани қўлга киритган Италия терма жамоаси футболчилари «В» гуруҳида икки ғалаба, бир дуранг билан 7 очко тўплаган ҳолда ним чорак финалга йўлланма олишган эди. Ним чорак мусобақаларида улар Норвегия терма жамоаси билан мусобақалашди. Италияликлар томонидан киритилган ягона тўп уларни жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқичига олиб чиқди.

«С» гуруҳида 2-ўринни олган Дания терма жамоаси ним чорак финалда нигериялик футболчилар билан учрашдилар. Маълумки, данияликлар ўз гуруҳларида бир ғалаба, бир дуранг ва бир мағлубиятдан сўнг тўрт очко билан ним чоракка чиқишган эди. Нигерия футболчилари саралаш масобақаларида Испания ва Болгария терма жамоаларини мағлубиятга учратиб, фақат Парагвай терма жамоасига имкониятни бой беришган эди. Лекин ним чорак мусобақасида нигериялик футболчиларнинг омадлари келмади. Даният терма жамоаси билан бўлган кескин курашда 4:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

16-жаҳон чемпионатининг ташкилотчилари франциялик футболчилар саралаш мусобақаларини кўтаринки руҳда ўтказиб, дастлаб Жанубий Африка республикасини 3:0, сўнгра Саудия Арабистони терма жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Гуруҳдаги асосий рақиблари Даният терма жамоаси билан бўлган учрашувда қийин курашда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди ва 9 очко билан ним чорак финалга чиқдилар. Гуруҳларда ғолиб чиққан биронта жамоа бундай натижа кўрсата олмади. Кеча Франция терма жамоаси футболчилари Парагвай футболчиларига қарши майдонга тушишди. Учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Кўпчилик мухлислар ғолиб 11 метрлик белгидан тўп тепиш бўйича аниқланишини кутишган эди. Лекин франциялик футболчиларнинг қўшимча вақтнинг 2-бўлим 7-дақиқасида кескин ҳужумлари гол билан якунланди. Натижада Франция терма жамоаси футболчилари 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Энди Бразилия терма жамоаси футболчилари чорак финалда Дания терма жамоаси билан куч синашади. Данияликлар эса Франция терма жамоасига қарши майдонга тушадилар. Чорак чинал мусобақалари 3 ва 4 июл куни бўлиб ўтади.

Дониёр ЮСУПОВ,
шарҳловчи.

"ПГС" ФИРМАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
САУНАЛАР УЧУН МАХСУС ДАВОЛАШ ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ;
КИЧИК НОНВОЙХОНАЛАР (4 хилдаги: 160. 80, 32 ВА 8 буханка нон пишириш қувватига эга);
ЭЛЕКТР КАЛОРИФЕРЛАР — ИСИТГИЧЛАР;
ХАМИР ҚОРИГИЧЛАР;
ДУДЛАШ ВА ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ;
ДИСТИЛЛЯТОРЛАР;
САНОАТ ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАРИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Бош муҳаррир ўринбосари: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Қасаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Намангана - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Таҳририятимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 0105. Нусхаси — 20.568. Масъул навбатчи: Улуғбек ҚОЗОҚОВ 123456